БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 137 (18.315). • Шанба, 1982 йил 12 июнь • Баҳоси 3 тийин.

ЯГОНА ҚАРДОШЛИК ОИЛАСИДА

Қозоғистон ихтиёрий равишда Россияга қўшилганлигининг 250 йиллигига ва республикага Ленин ордени топширилишига бағишланиб Олмаотада ўтказилган тантанали мажлис

ОЛМАОТА, 11 июнь. (ТАСС). Қозоғистон ва Россия диёрида катта ва порлоқ байрам: қозоқ халқи 250 йил муқаддам меҳнаткаш омманинг хоҳиш-иродасини ва эзгу орзу-умидларини ифодалаб, ўз тақдирини улуғ рус халқи билан абадул-абад боғлади.

Муштарак Ватанда босиб ўтилган катта зафарлар ва шонли жасоратлар йўли қадимий ўлкага бахт келтирди. Қозоқ халқининг хўжалик ва маданий қурилишдаги муваффақиятлари учун ҳамда Қозоғистон Россияга ихтиёрий равишда қўшилганлигининг 250 йиллигини нишонлаш юзасидан республика Ленин ордени билан тақдирланди.

Бугун Олмаотада Қозоғистон Россияга ихтиёрий равишда қўшилганлигининг 250 йиллигига ва юксак мукофот топширилишига бағишланиб, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети билан Қозоғистон ССР Олий Советининг партия, совет ва жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари ҳамда Совет Армияси вакиллари иштирокидаги тантанали мажлиси бўлиб ўтди.

Ўрток Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланди.

Тантанали мажлисни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев очди. Бутун кўп миллатли республикамиз тарихий санани — Қозоғистон ихтиёрий равишда Россияга қўшилганлигининг 250 йиллигини зўр қувонч билан нишонламоқда, деди у. Бу юбилей қозоқ халқининг улуғ рус халқи билан, катта ягона мамлакатимиздаги барча халқлар билан дўстлиги ва қардошлиги ҳақиқий байрамидир. Бу байрам СССР ташкил этилганлигининг шонли 60 йиллиги нишонланаётган йилда бўлиб ўтаётганлиги улуғ айёмимизга алоҳида маъно ва аҳамият бахш этади.

Бугун биз биринчи меҳр-муҳаббат ва миннатдорчилик сўзларимизни КПСС ленинчи Марказий Комитетига, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюросига, замонамизнинг атоқли партия ва давлат арбоби ўртоқ Л. И. Брежневга қарата айтамиз, унинг ишлари ва номи совет халқига ва айниқса биз қозоғистонликларга доимо азиз ва мўътабардир.

Совет Қозоғистонини ҳар томонлама ривожлантиришга Леонид Ильич қўшган жуда катта ҳиссани республикамиз коммунистлари, барча меҳнаткашлари ҳеч қачон унутмайдилар. Қаҳрамонона қўриқ эпопеясининг унутилмас кунларидан буён биз социал-иқтисодий ва маънавий турмушнинг ҳамма соҳаларида унинг кундалик мададини, партиямизнинг жанговар штаби — совет кишиларини улуғ Ленин йўлидан комил ишонч билан бошлаб бораётган КПСС ленинчи Марказий Комитетининг мададини сезиб турибмиз.

Нотиқ байрамга келган делегацияларга астойдил миннатдорчилик изҳор этиб, улуғ Ленин идеалларига садоқат туфайли мустаҳкамланган дўстлик, улуғ ва қудратли совет социалистик республикалари яшаб келаётган ва келгусида ҳам яшайдиган мақсадларнинг бирлиги мамлакатимиз қардош халқларини яқинлаштириб турибди, деб таъкидлади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари **В. В. Гришинга** сўз берилади. Бугун қадимий ва айни вақтда навқирон Қозоғистон диёрида, деди у, катта ижтимоий-сиёсий воқеа — Қозоғистон ихтиёрий равишда Россияга қўшилганлигининг 250 йиллиги, республика Ленин ордени билан мукофотланганлиги тантанали вазиятда нишонланмоқда. Бу — қозоқ халқининг, улуғ Ватанимиздаги барча қардош халқларнинг шодиёна байрамидир, ҳаммамизнинг тантанали байрамимиздир.

Нотиқ КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневдан — қозоқ халқига энг самимий қутловлар, республика раҳбарларига, коммунистларга, барча меҳнаткашларига янгидан-янги муваффақият ва бахт-саодат тилаб, эзгу истаклар топширди.

Қозоқ халқига чуқур ҳурмат сўзлари айтиш билан бирга, Леонид Ильич Брежнев Совет Қозоғистони бундан буён ҳам социал-иқтисодий ва маданий ривожланиш суръатларини муттасил ошираверади, коммунистик қурилишнинг ленинча йўлидан ишонч билан олға бораверади, деб қаттиқ ишонч изҳор этди.

Қозоғистон ихтиёрий равишда Россияга қўшилганлигининг 250 йиллигини совет халқи КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми якунлари туфайли юзага келган зўр сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати вазиятида нишонламоқда. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг чуқур мазмунли ёрқин докладида, Пленум қарорларида, партиянинг энг катта социал ва халқ хўжалик проблемаси — озиқ-овқат проблемасини ҳал этиш соҳасидаги илмий асосланган, узоқ муддатли стратегияси белгиланди.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программаси — зўр сиёсий аҳамиятга молик ҳужжатдир. Партия бу программанинг бажарилишини шу беш йилликнинг асосий хўжалик-сиёсий вазифаси, деб ҳисобламоқда.

Ҳозирги байрам ягона кўп миллатли давлатимизнинг мўътабар юбилейи йилида нишонланаётганлиги гоят шонли воқеадир. Бу бирлик, бу бузилмас дўстлик манбалари қозоқ ва рус халқлари учун XVIII асрнинг 30-йилларига, Қозоғистон ихтиёрий равишда Россия составига кира бошлаган замонларга бориб тақалади. Ўша воқеа қозоқ халқининг тарихий тақдирида бурилиш нуқтаси бўлди. Қозоқ халқи Россия билан иттифоқ бўлиб, рус халқи билан мустаҳкам дўст бўлиб, ишончли таянч орттирди. Бу эса патриархал-феодал тиргакларининг емирилишига, ишлаб чиқарувчи кучларнинг уйғонишига, қозоқ халқининг илғор рус маданияти, илғор ижтимоий фикр билан ошно бўлишига кўмаклашди.

Улуғ Октябрь мамлакатимиздаги барча миллат ва элатларнинг тақдирида туб бурилиш ясади. Совет ҳокимиятининг ғалабасидан кейин орадан кўп вақт ўтмай В. И. Ленин билан М. И. Калинин имзолаган декрет асосида қозоқ халқи ўз тарихида биринчи бор ўз давлатини тузишга мушарраф бўлди.

Улуғ Ватан урушининг даҳшатли йилларида қозоқ халқи улуғ Ватанимиздаги барча халқлар билан биргаликда душманни тор-мор этишга катта ҳисса қўшди. Урушдан кейинги қурилишнинг ажойиб зафарларида ҳам улуғ бирлик самаралари кўриниб турибди.

Тарихан қисқа муддатда республика асрларга тенг йўлни босиб ўтди. Қозоғистон Совет ҳокимияти йилларида экономика ва ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларида чиндан ҳам жуда катта муваффақиятларга эришди. Бу муваффақиятлар билан барча совет кишилари ҳақли равишда фахрланадилар. Кўп тармоқли саноат барпо этилди ва муваффақиятли ривожланмоқда. Хўжалик турмуши муттасил интернационаллашиб бораётганлиги натижасида Қозоғистон ССРнинг мамлакатдаги бошқа қардош республикалар билан иқтисодий алоқалари тобора мустаҳкамланиб, чуқурлашиб, хилма-хил бўлиб бормоқда.

Қозоғистон меҳнаткашлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришда партиянинг ҳозирги аграр сиёсатини амалга оширишда катта-катта натижаларга эришдилар. Қаҳрамонона қўриқ эпопеяси республика тарихида, мамлакат тарихида алоҳида ўрин олади. Қозоғистон қўриғи ғаллазорларида шудгор қилинган ҳар гектар ерда, ҳар бир бўлиқ бошоқда бутун совет халқи ҳиссаси мужассамлашган. Ўша пайтда қўриқ мамлакатнинг энг асосий хўжалик, сиёсий фронти бўлган эди.

Улуғ Ватан уруши жанг майдонларида ва қаҳрамонона тикланиш кунларида бўлганидек, қўриқ эпопеяси йилларида ҳам халқ бахт-саодати учун мард курашчи — Леонид Ильич Брежневнинг сиёсий ва ташкилотчилик истеъдоди намоён бўлди. Ватанимиз тарихининг ҳамма ҳал этувчи бурилиш пайтларида ҳамиша бўлганидек, Леонид Ильич олдинги маррада турди. У партиянинг қўриқ очиш соҳасидаги энг масъулиятли топшириғини бажариб, бир неча йил давомида Қозоғистон партия ташкилотига бошчилик қилди.

Ўрток Л. И. Брежневнинг Қозоғистондаги фаолияти йиллари республика хўжалигини ва маданиятини ривожлантиришда туб бурилиш даври бўлди. Партия Қозоғистоннинг битмас-туганмас табиий бойликларидан Ватанимиз манфаатлари йўлида фойдаланиш масаласини янгича тарзда ўртага қўйди. Дон ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш бобида республикадан умид айниқса катта эди. Қозоғистон коммунистлари, меҳнаткашлари бу вазифаларни муваффақиятли уддаладилар. Кейинги йилларда, ҳатто энг кам ҳосилли йилларда ҳам Қозоғистоннинг 1 миллиард пуд донини нормага айлантирган республика қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларидан совет кишилари, бутун мамлакат ғоят миннатдордир.

Қозоғистон меҳнаткашларининг ютуқлари, деб таъкидлади нотиқ, аввало социализм ғалабасининг, СССР халқлари бузилмас дўстлигининг, партия ленинча миллий сиёсатининг натижасидир.

В. В. Гришин москваликларнинг КПСС XXVI съезди қарорларини, беш йиллик топшириқларини бажаришдаги ютуқлари ҳақида гапириб, барча совет кишилари каби пойтахт меҳнаткашлари ҳам Ватанимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш тўғрисидаги чуқур ғамхўрлик иштиёқи билан ижодий ғайрат-шижоатни авж олдираётганликларини уқтириб ўтди.

Совет Иттифоқи халқларининг дўстлиги нақадар пишиқ ва мустаҳкам эканлигини, уларнинг бирлиги ва жонажон коммунистлар партияси теварагидаги жипслиги нақадар маҳкамлигини ҳозир совет кишилари ўз кўзлари билан кўриб, ишонч ҳосил қилмоқдалар. Партия раҳбарлиги, унинг тинимсиз ғайрати ва зўр ишлари — келажакдаги коммунизм ғалабаларининг гаровидир. Халқимиз ўз жонажон партиясига астойдил ишонали ҳамда тараққиёт ва бунёдкорлик йўлида унга дадил эргашиб бораверади.

Совет халқи КПССнинг доно ички ва ташқи сиёсатини, партия Марказий Комитетининг, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг, шахсан ўрток Л. И. Брежневнинг давлатимиз иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини ошириш, бутун дунёда тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш соҳасидаги саботли ва собитқадам фаолиятини якдиллик билан маъқуллайди ва қўллаб-қувватлайди.

Қозоғистон ССР, барча иттифоқдош республикаларнинг халқлари, деди сўзининг охирида В. В. Гришин, шонли юбилейни ягона ва улуғ социалистик Ватанга мансубликдек юксак ва фахрли туйғу билан нишонламоқдалар. Мамлакатимиздаги барча халқлар сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратининг ўсиши — КПСС ленинча миллий сиёсатининг ҳаётбахш кучи бундан буён ҳам янги-янги тарихий ғалабаларга эришаверишининг гаровидир.

В. В. Гришин СССР Олий Совети Президиумининг Қозоғистон ССРни Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини ўқиб эшиттирди ва мажлис аҳлининг давомли карсаклари остида Ватаннинг юксак мукофотини республика байроғига қадаб қўйди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Д. А. Кунаев** «Дўстлик ва қардошликнинг буюк кучи» мавзуида доклад қилди. Қозоғистоннинг ихтиёрий равишда Россияга қўшилиши халқимизнинг шонли солномасида беқиёс зўр аҳамиятга молик воқеалардан бири бўлди, деди у. Республика меҳнаткашлари шонли юбилейни қозоқ халқининг тарихида бурилиш ясаган воқеа сифатида, бепоён Советлар мамлакати барча халқлари билан бузилмас дўстликнинг катта ва порлоқ байрами сифатида нишонламоқдалар.

Шу боисдан ҳам КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг қизғин табрикномасидаги сўзлар биз учун азиздир. Бу табрикнома ва республика бешинчи орден — Ленин ордени билан мукофотланганлигини биз жонажон ленинчи партиянинг Қозоғистон Совет Социалистик Республикасини ҳар тарафлама равнақ топтириш тўғрисидаги ғамхўрлигининг янги далили, деб қабул этаяпмиз.

Шу тантанали дамларда энг қизғин миннатдорчилик ҳис-туйғуларимизни азиз Леонид Ильич Брежневга бағишлаймиз, унинг Совет Қозоғистони меҳнаткашлари шаънига айтган самимий сўзлари бизнинг кучимизга-куч қўшмоқда. Замонамизнинг атоқли сиёсат ва давлат арбоби, Қозоғистон билан маҳкам боғланган инсон бўлмиш Леонид Ильичнинг ҳар бир сўзи ўзининг астойдил самимийлиги, ажойиб соддалиги, ленинча меҳрибонлиги ва талабчанлиги билан биз учун азиздир.

Меҳнаткаш қозоқ халқининг Россия халқлари билан бирлиги чуқур моҳияти замонамизнинг мағрур чўққисидан айниқса равшан кўриниб турибди, деди сўзини давом эттириб докладчи. Бу бирликнинг тарихий мукаррарлиги қадим замонлардан давом этиб келмоқда. XVIII асрнинг дастлабки ўттиз йилидан бошлаб қозоқ ерларининг Россия таркибига босқичма-босқич киришига асос солинди. Қозоғистоннинг Россияга ихтиёрий равишда қўшилишидан иборат жуда муҳим тарихий жараён тобора жадаллашиб бораверди. Бу жараён меҳнаткаш қозоқ халқининг туб манфаатларига мос бўлиб тушганлигига, жуда катта тараққийпарварлик аҳамиятига эга бўлганлигига ҳозир ҳеч кимда шак-шубҳа йўқ, чунки айни шу воқеа рус ва қозоқ халқларининг тарихий тақдирларини абадул-абад бирга қўшишни таъминлади. Ажнабийларнинг қонли асоратига тушишдек даҳшатли хавф пайдо бўлган бир пайтда ўз вақтида ва социал жиҳатдан бирлашганлик қозоқ халқини омон асраб қолди.

Қозоғистоннинг Россия давлати таркибига босқичма-босқич кириши қозоқ жамиятидаги эски патриархал-феодал тузумнинг емирилишини қатъиян жадаллаштирди, синфий табақаланиш жараёнини кучайтирди, феодализмга ва мустамлакачиликка қарши ҳаракатнинг ривожланиши учун замин яратди.

(Давоми иккинчи бетда).

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганлиги учун қуйидаги область республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилади.

Жиззах области — область партия комитетининг секретари Т. Б. Боймиров, область ижроия комитетининг раиси Э. И. Исломов, область комсомол комитетининг секретари Г. С. Субхонова, область ипакчилик бошқармасининг бошлиғи С. Ҳакимов;

СССР Министрлар Советида

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларини бажариш юзасидан ҳамда КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Қишлоқ хўжалигини ва агро-саноат комплексининг бошқа тармоқларини бошқаришни яхшилаш тўғрисида»ги қарорига биноан, СССР Министрлар Совети СССР Министрлар Совети Президиумининг агросанот комплекси масалалари билан шуғулланувчи комиссиясини қуйидаги составда тузди: Комиссия раиси — СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўрток З. Н. Нуриев, комиссия аъзолари — СССР Қишлоқ хўжалиги министри ўрток В. К. Месяц, СССР мева-сабзавот хўжалиги министри ўртоқ Н. Т. Козлов, СССР тайёрлаш министри ўрток Г. С. Золотухин, СССР гўшт ва сут саноати министри ўрток С. Ф. Антонов, СССР озиқ-овқат саноати министри ўртоқ В. П. Леин, СССР балиқ хўжалиги министри ўрток В. М. Каменцев, СССР мелиорация ва сув хўжалиги министри ўрток Н. Ф. Васильев, СССР қишлоқ қурилиши министри ўрток С. Д. Хитров, СССР Госкомсельхозтехника раиси ўрток Л. И. Хитрун, СССР ўрмон хўжалиги давлат комитетининг раиси ўрток Г. И. Воробьев, СССР Госплани раисининг биринчи ўринбосари ўрток П. А. Паскарь, СССР фан ва техника давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари ўрток Л. Н. Ефремов, СССР Госснаби раисининг биринчи ўринбосари ўрток В. Н. Ксинтарис ва СССР Министрлар Совети ҳузуридаги микробиология саноати бош бошқармасининг бошлиғи ўрток Р. С. Рычков.

СССР Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги, Чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш машинасозлиги министрлиги, Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ҳамда рўзғор асбоблари министрлиги ва Минерал ўғит ишлаб чиқариш министрлиги агросаноат комплексини ривожлантиришга тааллуқли масалалар соҳасидаги ўз ишида комиссиянинг қарорларига амал қиладилар, деб белгилаб қўйилди.

СССР Министрлар Совети Президиуми комиссиясининг агросаноат комплекси масалалари юзасидан ўз ҳуқуқлари доирасида қабул қиладиган қарорлари СССР ва иттифоқдош республикаларнинг барча министрликлари ва идоралари ҳамда ташкилотлар, корхоналар ва муассасаларнинг ижро этиши учун мажбурийдир.

Комиссия ўз олдига қўйилган вазифаларни бажариш соҳасидаги амалий ишида СССРнинг агросаноат комплекси составига кирувчи ҳамда шу комплексга хизмат қилувчи министрликлар ва идораларга, шунингдек иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари Президиумларининг агросаноат комплекси масалалари билан шуғулланувчи комиссияларига (ёки бошқа органларига) таяниб, уларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш ва умуман агросаноат комплексини ривожлантириш проблемаларини ҳал этиш билан боғлиқ бўлган масалаларга оид фаолиятини мувофиқлаштириб, контроль қилиб туради.

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ ПИЛЛАЧИЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Жиззах области қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдирдилар ва пилла тайёрлаш халқ хўжалик планини муддатидан илгари, 10 июнда бажардилар. Областнинг колхоз ва совхозлари қабул пунктларига 382 тонна юқори сифатли хом ашё жўнатдилар, пилланинг 90 проценти олий сортлар билан топширилди. Ҳар қути қурт уруғидан 64 килограмм пилла олинди.

Жиззах, Пахтакор, Зарбдор, Октябрь, Дўстлик районларининг пиллачилари пилла тайёрлаш планини областда биринчи бўлиб бажардилар. Жиззах районидаги Ленин орденли «Москва» колхози, «Жиззах», «Партия XXVI съезди», Ленин номли совхозлар, Арнасой районидаги Тимошенко номли, Бахмал районидаги «Гулбулоқ», Ғаллаорол районидаги «Коммунизм», Дўстлик районидаги «Комсомол», Зомин районидаги «Горний», Зарбдор районидаги «Прогресс», Мирзачўл районидаги «Советская Россия», Октябрь районидаги С. Раҳимов номли, Пахтакор районидаги «Пахтакор» совхозлари катта меҳнат ғалабаларига эришдилар. Улар ҳар қути қурт уруғидан 80—100 килограмм пилла олиб, давлатга пилла сотиш юзасидан зиммаларига олган социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажардилар.

Икки юздан кўп пиллачи ҳар қути қурт уруғидан 110—120 килограммдан пилла олди. Улар орасида Жиззах районидаги Жданов номли совхоздан Тошбуви Маманазарова, Бахмал районидаги Мичурин номли совхоздан Суюма Сулаймонова, Фориш районидаги Киров номли совхоздан Шарофат Холбоева, Зомин районидаги «Зомин» совхоздан Контар Назарова, Зарбдор районидаги Будённий номли совхоздан Хибой Холмирзаева, Арнасой районидаги Тимошенко номли совхоздан Малоҳат Ҳалилова, Пахтакор районидаги «Пахтакор» совхоздан Саломат Кубоева, Октябрь районидаги С. Раҳимов номли совхоздан Баҳор Абдураҳмонова, Ғаллаорол районидаги «Коммунизм» совхоздан Холбуви Очилова, Мирзачўл районидаги «Ўзбекистон» совхоздан Тожихол Назарова бор. 500 тадан кўп звено ҳар қути қурт уруғидан 100—110 килограммдан пилла олабилди.

Пилланинг муддатидан илгари бажарилиши колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг фидокорона меҳнатлари, партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг моҳирона ташкилотчилик ва сиёсий ишлари, тут парваришида агротехника усулларини кенг кўламда қўллаш ва шунинг асосида пилла қурти боқиш илғор усулларини ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасидир.

Пилла тайёрлаш ва давлатга топшириш давом этмоқда.

Область хўжаликлари КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленумининг қарорига жавобан ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, пландан ташқари давлатга 30 тонна пилла топширишга қарор қилдилар.

ЕНГИЛ САНОАТ ХОДИМЛАРИ БАЙРАМИ

Ўзбекистон енгил саноат ходимлари ўзларининг профессионал байрамини меҳнатда ютуқлар билан кутиб олмоқда. Улар СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажардилар. Йил бошидан буён планга қўшимча равишда 37 миллион сўмлик чинни идишлар, пойабзал, газламалар, кийим-кечак ва бошқа буюмлар ишлаб чиқарилди. Тармоқнинг 800 га яқин меҳнаткаши профессионал байрамни беш йиллик икки йили топшириғини бажариб кутиб олмоқда.

11 июнь куни Тошкентда енгил саноат ходимлари кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда тармоқнинг етакчи мутахассислари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар. Ўзбекистон ССР енгил саноат министри М. Ҳ. Қурбонов доклад қилди. (ЎзТАГ).

ДЕЛЕГАЦИЯ ҚАЙТИБ КЕЛДИ

БУДАПЕШТ, 10 июнь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов бошчилигидаги совет делегацияси бугун Москвага жўнаб кетди. Делегация Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессиясининг XXXVI мажлисида қатнашди.

Делегация составида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари В. И. Долгих, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, бир қанча министрликларнинг раҳбарлари бор.

Делегацияни аэродромда ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВХР Министрлар Советининг Раиси Д. Лазар, ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, ВСИП Марказий Комитети секретари Ф. Хаваши, ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, саноат министри Л. Мехеш, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Москва аэродромида делегацияни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси А. Я. Пельше, КПСС Марказий Комитети секретари К. В. Русаков, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР министрлари, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВнинг Олмаотадаги тантаналарда сўзлаган нутқи

Қозоғистонлик азиз оғаинилар ва опа-сингиллар!

Ҳурматли ўртоқлар, дўстлар!

Бу йил — кўпгина шонли воқеаларга бой йил бўлди. Қозоғистон улуғ Россияга ихтиёрий қўшилганлигининг 250 йиллиги — энг қувончли воқеаларнинг биридир.

Талантли ва меҳнатсевар қозоқ халқини, қардош Қозоғистоннинг барча меҳнаткашларини шу порлоқ байрам ва Ленин ордени билан мукофотланганлиги билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан, республикамизнинг барча меҳнаткашлари номидан қизғин ва самимий муборакбод этишга ижозат бергайсиз. **(Давомли қарсаклар).**

Бизнинг Ўзбекистонда бир оғанинг байрами — бутун оиланинг байрамидир, дейишади. Бу мақол бугунги воқеанинг чуқур моҳиятини жуда яхши кўрсатиб беради. Совет халқларимизнинг аҳил ва жипслашган қардошлигига нисбатан айниқса мос келади. Совет халқларида ҳамма нарса — ҳаёт йўли ҳам, қувончлар ҳам, порлоқ идеаллар ҳам, муштарак вазифалар ҳам ва яхлит бир нарсадир. Шу боисдан ҳам ҳозирги шонли юбилей кўп миллатли Ватанимиздаги барча кишилар учун баб-баравар азиз байрамдир. **(Қарсаклар).**

Қозоқ халқи икки юз эллик йилдан буён оғамиз рус халқи билан қўлни қўлга бериб, ёнма-ён бормоқда. Россия Ватанимизнинг барча халқлари тақдирида ўйнаган прогрессив роль буюк, ҳақиқатан ҳам бебаҳодир. Айни Россия бу халқларга биринчи бўлиб саҳий дўстлик қўлини узатди, уларнинг асрий орзу-умидлари рўёбга чиқарилишида ёрдам берди.

Қозоқ ва ўзбек халқларининг тарихий тақдирлари кўп жиҳатдан муштаракдир. Оғамиз — улуғ рус халқига муносабат — муштараклигимизнинг энг ёрқин хусусиятидир. Миллионлаб меҳнат аҳли рус халқининг беғаразлиги ва қалби дарёлигини, унинг пролетар интернационализми идеалларига содиқлигини амалда кўриб билди. Улуғ рус халқи мамлакатимизнинг юздан кўпроқ миллат ва элатлар ажойиб иттифоқининг ҳамиша мустаҳкам пойдевори бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай, бундан буён ҳам шундай бўлиб қолаверади **(Қарсаклар).** КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг табрикномасида, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари кадрдон дўстимиз ва оғамиз Виктор Васильевич Гришиннинг ёрқин, сермазмун нутқида қозоқ билан ўзбекнинг, барча совет халқларининг қалбидаги бутун эзгу орзу-истаклар зўр куч билан яққол ифода этилган. **(Қарсаклар).**

Биз Қозоғистон Россияга ихтиёрий қўшилганлигининг 250 йиллигини СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигида, Октябрнинг буюк қонунларига, гениал Ленин васиятларига мувофиқ яшаётган совет кишиларининг муваффақиятлари айниқса равшан кўриниб турган бир пайтда нишонлаётганлигимизнинг рамзий маъноси бор. **(Қарсаклар).**

Совет халқларининг дўстлиги, ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдами мамлакат тараққиётининг қудратли омилига айланди. Бизнинг коммунизм чўққилари сари ҳаракатимиз шиддатли бўла борган сари Ленин партияси сиёсатининг ҳаётбахш кучи шу қадар ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Халқнинг фаровонлиги ва бахт-саодати — Ленин партиясининг олий мақсадидир. **(Қарсаклар).**

КПСС Марказий Комитети 1982 йил тарихий май Пленумининг қарорлари, комплекс Озиқ-овқат программаси бунинг янги яққол далилидир. Партиянинг улуғвор режаларини амалга ошириш соҳасидаги актив иш ғоят катта халқаро аҳамиятга эга бўлиб, Ватанимизнинг обрў-эътиборини, ер юзида социализм ва тинчлик позицияларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. **(Қарсаклар).**

Бизнинг барча ютуқларимиз — КПСС, замонамизнинг атоқли сиёсат ва давлат арбоби, коммунизм ва халқ бахт-саодати учун толмас курашчи Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитетнинг доно миллий сиёсати самарасидир. **(Қарсаклар).**

Қозоғистон шонли таржимаи ҳолининг кўпгина саҳифалари ва даставвал республикадаги қўриқ ва партов ерларни ўзлаштириш, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш Леонид Ильичнинг номи билан боғлангандир. Ленинча ишчанлиги ва принципиаллиги, большевикларга хос иш кўлами, партиявий қатъияти ва изчиллиги, ҳар бир совет республикаси тўғрисидаги, ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ҳақидаги ғамхўрлиги Леонид Ильични совет халқининг, тараққийпарвар инсониятнинг чуқур ҳурмати ва меҳр-муҳаббатига сазовор қилди.

СССР халқлари дўстлигининг бунёдкорлик кучи, ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси Совет Қозоғистонининг моддий ва маънавий кучлари гуркираб равнақ топаётганлигида конкрет намоён бўлмоқдаки, бу ҳақда кадрдон дўстимиз ва қардошимиз КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Динмуҳаммад Аҳмедович Кунаевнинг докладида жуда яхши ва сидқидилдан айтиб ўтилган. **(Қарсаклар).**

Биз Қозоғистон кўп қиррали ҳаётининг қайси жиҳатини — иқтисодий, маданий, социал жиҳатини олиб кўрмайлик, республика ягона Совет Иттифоқининг ажралмас қисми сифатида жўшқин ривожланиб бормоқда.

Бойқўнғирнинг қирмизи лолалари каби нафис, Фарғона далаларидаги пахта каби оппоқ, қўриқнинг бўлиқ бошоғи каби салмоқли бўлган СССР халқларининг ленинча дўстлиги кун сайин ажойиб самаралар бериб, меҳнат жасоратининг янгидан янги ёрқин кўринишлари билан одамларни қувонтирмоқда.

Биз шонли юбилей ва Ватаннинг олий мукофоти билан қозоқ халқини, Қозоғистоннинг барча меҳнаткашларини яна бир бор чин қалбдан табриклаб ва муборакбод этиб, сизларга, азиз оға-инилар ва опа-сингиллар, янги зафарлар, бахт-саодат ва равнақ тилаб билдирган энг самимий истакларимизни йўллаймиз!

Яшасин улуғ социалистик Ватанимиз барча халқларининг қардошларча дўстлиги ва бирлиги!

Яшасин шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг ленинчи Марказий Комитети! **(Гулдурос давомли қарсаклар).**

ЯГОНА ҚАРДОШЛИК ОИЛАСИДА

(Боши биринчи бетда).

Ниҳоят, тарих тасдиқлаган энг муҳим нарса шу бўлдики, меҳнаткаш қозоқ халқи Россия составида илғор рус демократик маданиятидан баҳраманд бўлиш билан бирга, революцион ҳаракат билан, марксизм ғоялари билан ошно ҳам бўлди, бу ғояларни у ўткир зеҳн ва қайноқ қалб билан қабул этди.

Золимларга қарши курашнинг ҳамма босқичларида қозоқ меҳнаткашлари синфий чиниқишнинг улуғ сабоғини олдилар. Улуғ Октябрь социалистик революцияси инсоният тарихида XX асрнинг бош воқеаси бўлди. Бу революция қозоқлар учун ҳам янги, коммунистик давр тонги бўлди, эксплуатациянинг ҳамма турларини абадий тугатди, қозоқ халқига Россиянинг бошқа халқлари билан биргаликда ўзининг кўп асрлик тарихида янги, чинакам бахтиёрлик даврини очди.

Мана шуларнинг ҳаммаси учун Қозоғистон меҳнаткашлари улуғ Ленинга, у тузган партияга нисбатан ўз қалбида миннатдорчилик туйғуларини ҳамиша муқаддас сақлайди. Ўз оғаси — рус халқига, Ватанимиздаги барча халқларга кураш ва меҳнатдаги қардошларча иттифоқ ва беғараз ёрдам учун, Қозоғистонга Совет ҳокимияти ва жонажон партия берган ҳамма неъматлар учун сидқидилдан ташаккур изҳор этади, деб тўла асос билан айта оламиз.

Совет кишиларининг муқаддас дўстлик ва қардошлик алоқаларига садоқати тарихнинг туб бурилишларида неча марталаб текшириб кўрилди ва жуда оғир синовларга бардош берди. Улуғ Ватан уруши шу синовларнинг энг оғири бўлди. Қозоғистонликлар фронтларнинг ҳал қилувчи участкаларида бўлдилар. Қозоғистонлик жангчи россиялик жангчи билан биргаликда мислсиз жасоратлар кўрсатди. Даҳшатли уруш йилларида республика мамлакатнинг қурол-аслаҳа етказиб берувчи ишончли масканларидан бири бўлди.

Республикамиз ва бутун мамлакатимиз янги тарихининг ҳар қандай босқичи халқларнинг қардошларча дўстлиги ҳамиша барча зафарларимизнинг қудратли тезлаткичи ва энг ишончли гарови бўлиб келганини, ҳозир ҳам шундай эканини ва шундай бўлиб қолаверишини яққол кўрсатиб турибди. Қозоғистон кенгликлари шу дўстлик нуридан неча марталаб баҳраманд бўлди. Социалистик ҳамдўстлигимиз солномасига умумхалқ жасорати рамзи бўлиб, СССРдаги барча миллат ва элатлар ҳаракат бирлигининг тимсоли бўлиб кирган мислсиз миқёсдаги янги иш жонажон партиянинг иродаси билан Совет Қозоғистонига топширилганида бу нур бутун мамлакатга кўриниб турди. Унутилмас Қўриқ эпопеяси ҳаммамиз учун мана шундай нур манбаи бўлди.

Биз ўз кўлами жиҳатидан мислсиз улуғвор вазифани бутун мамлакатнинг куч-қуввати билан, партия жипслаштирган совет кишиларининг қатъияти билангина бажара олдик. Биз бу вазифани муваффақиятли бажардик, бу муваффақиятни улуғ рус халқининг шонли фарзанди Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги қўриқ фронтининг жанговар штаби таъминлади. Кўпларимиз Леонид Ильичдан ленинча услубни, одамлар орасида ва одамлар учун ишлашнинг ленинча маҳоратини ўргандик ва ўрганмоқдамиз. Қўриқ жасоратининг долзарб пайтида Леонид Ильич мислсиз меҳнат қобилияти, юксак принципиаллик, руҳий ҳарорат ва камтаринлик, одамларга меҳрибонлик билан самимий муносабат намунасини кўрсатди. Бу намуна ҳеч қачон унутилмайди.

Советлар мамлакатидаги республикаларнинг ҳар бири каби бизнинг Қозоғистонимиз ҳам ленинча миллий сиёсатнинг ёрқин ифодасидир. Шундай бир фактни олайлик. Совет ҳокимияти йилларида республикада саноат ишлаб чиқариш 900 баравар ошди. Индустрия, транспорт, алоқа ўсишининг мисли кўрилмаган миқёслари ноёб ўзгаришлардан, КПССнинг ленинча сиёсати ғоят самарадорлигидан, СССР халқларининг қардошларча дўстлиги, ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдами улуғлигидан далолат беради.

Республика қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва марказлаштириш жабҳаси кенг. Катта-катта чорвачилик комплекслари, паррандачилик фабрикалари, хўжаликлараро ташкилотлар ва бирлашмалар барпо этилди ва ишлаб турибди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, айниқса ғалла етиштиришда республиканинг салмоғи илгари ҳеч қачон кўрилмаган даражада жуда катта бўлиб қолди. Ўнинчи беш йилликнинг ўзида Қозоғистон давлатга ҳар йили ўрта ҳисобда қарийб бир миллиард пуд юқори сифатли дон берди.

Нотиқ Қозоғистоннинг иқтисодий тараққиётини ҳозир бепоён Ватанимизнинг бошқа республикалари, ўлкалари ва областлари билан мустаҳкам ва хилма-хил алоқаларсиз тасаввур этиб бўлмаслигини уқтириб, социал масалалар қандай ҳал этилаётганига, халқ маорифи, фан ва маданият нақадар ривож топганлигига батафсил тўхталди.

Инсоният тарихида, деди у, қозоқча — Бойқўнғир ва русча Юрий Гагарин деган икки атоқли от абадий ёнма-ён ўйиб ёзилган. Булар ҳам халқларимиз дўстлиги улуғворлигининг, улар янги турмушнинг космик чўққилари сари интилаётганликларининг рамзидир. Улуғ Октябрь, партия, Ленин ана шу янги турмуш йўлини кўрсатиб берди.

Қозоқ халқининг шиддатли парвози — улуғ Ленин партияси ғояларининг ҳаётбахш кучини кўрсатувчи яққол далилдир. Биз чинакам интернационалистлар партияси — КПСС раҳбарлиги туфайлигина барча совет халқлари билан биргаликда ана шу машаққатли, лекин шонли йўлни босиб ўта олдик.

750 минг коммунистни — юздан кўпроқ миллат ва элат намояндаларини бирлаштирган Қозоғистон Компартияси — КПССнинг жанговар, синалган отряди республикада сиёсий, иқтисодий ва социал вазифаларни ҳал этиш учун курашда етакчи куч бўлиб майдонга чиқмоқда. Республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини кутиб олишга ҳозирлик кўра туриб, КПСС XXVI съезди ва Қозоғистон Компартияси XV съездининг қарорларини муваффақиятли равишда амалга ошириш учун ўзларининг куч-ғайратларини кўпайтирмоқдалар. Ўн биринчи беш йиллик биринчи йили якунлари ана шундан далолат беради. Партия ва ҳукумат, шахсан Леонид Ильич Брежнев ана шу якунларни муносиб баҳоладилар. Беш йиллик иккинчи йилининг планлари ҳам яхши бажарилмоқда.

Аммо эришилган даража чегара эмас, агар аниқроқ қилиб гапирадиган бўлсак, у ҳолда буларнинг ҳаммаси ҳар томонлама ўсиш янги босқичининг бошланиши, янги ажойиб чўққиларга дадил чиқишнинг бошланишидир, холос.

Докладчи ўн биринчи беш йилликда Қозоғистонда ҳал этилаётган ва яқин келажакда ҳал этиладиган кенг кўламдаги вазифаларни атрофлича таърифлаб берди.

КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми партия билан мамлакат ҳаётидаги муҳим босқич бўлиб қолди. Пленумда Л. И. Брежнев ғоят чуқур ва сермазмун доклад қилиб, КПСС Марказий Комитети 1965 йил март Пленумидан кейин партиямиз ва бутун халқимиз бажарган ғоят катта ишларнинг кўламларини жуда яққол кўрсатиб берди. Совет кишилари фаровонлигининг муттасил ўсиб бораётганлиги мана шу ишнинг асосий якуни бўлди.

СССРнинг Озиқ-овқат программасида тобора ортиб бораётган аграр потенциалга эга бўлган бизнинг республикамизга ҳам жуда масъулиятли ўрин берилган. Озиқ-овқат программасининг барча қоидалари бажарилишида актив қатнашиш Қозоғистондаги ҳамма кишиларнинг шон-шараф иши бўлиб қолмоғи керак. Аммо булар орасида биз мамлакатнинг олий манфаатларига асосланиб, ғалла етиштириш ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни алоҳида ажратамиз. Шу жиҳатдан олганда Қозоғистоннинг шонли чўлқуварларига, халқ Советларининг, касаба союзлари ҳамда комсомолнинг кучи ва обрў-эътиборига, барча меҳнат коллективларига катта умид боғланмоқда. Мамлакатнинг энг йирик дон ва чорвачилик базаларидан бири сифатида республика ролининг тобора мустаҳкамланиши ана шуларга боғлиқ бўлади.

Ҳар биримизда ривожланган социализм жамиятининг барча ишларида тобора актив қатнашиш учун ҳамма нарса мавжуд. Аммо бунда мажбуриятларни шунчаки оддийгина бажариш муҳим бўлмай, балки манфаатдорлик билан, зўр маъно ва собитқадамлик билан, чинакам меҳнат мусобақаси билан тўлиб-тошган ҳолда, жонажон республикани ва мамлакатни яна ҳам кўркамроқ ва қудратлироқ ҳолда кўришни астойдил истаб, иштирок этиш муҳимдир.

Халқлар дўстлиги — халқлар бунёдкорлик хоҳиш-иродасининг, уларнинг социалистик тарзда ижод этувчи ақл-заковатининг юксак даражадаги ифодасидир. Биз ленинчи интернационалистлар буни ёдда тутиб, ана шу дўстликни кўз қорачиғидек ҳамиша авайлаб асрашимиз, ҳамдўстлигимизни мустаҳкамлашимиз, бундан ҳеч нарсада ва ҳеч қачон чекинмаслигимиз керак. Халқларнинг метиндек мустаҳкам ленинча дўстлиги дарз кетишини орзу қилаётган кимсалар шуни яхши ва абадий англаб олсинларки, биз, коммунистлар, барча совет кишилари жонажон партия вужудга келтирган улуғ бирликда ҳеч кимнинг, ҳеч қачон ва ҳеч қандай баҳона остида тажовуз қилишига йўл қўймаймиз. Бугун, қувончли тантана кунида биз социалистик интернационализм байроғини баланд кўтариб бораётган Ленин партиясига астойдил содиқ эканлигимизни қайта-қайта айтамиз.

Пировардида Д. А. Кунаев ишонч билдириб айтдики, Совет Қозоғистонининг меҳнаткашлари саноат, қишлоқ экономикаси, фан ва маданиятнинг барча соҳаларида, ўқишда, меҳнатда, ҳарбий хизматда — хуллас коммунизм бинокорларининг, ҳақиқат ва энг олижаноб идеаллар жарчиларининг маҳорати, куч-қуввати ва ғайрат-шижоати зарур бўлган ҳамма жойда ССР Иттифоқи қардошлик оиласида республиканинг обрў-эътиборини яна ҳам кўпроқ мустаҳкамлайдилар.

Делегацияларнинг раҳбарлари: Ленинграддан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари **Г. В. Романов.** РСФСРдан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Советининг Раиси **М. С. Соломенцев**; Украина ССРдан — Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **А. Ф. Ватченко**; Белоруссия ССРдан — Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **И. Е. Поляков**; Ўзбекистон ССРдан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов**; (Ўртоқ Ш. Р. Рашидов нутқи газетанинг биринчи саҳифасида эълон қилинмоқда.): Грузия ССРдан — Грузия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **П. Г. Гилашвили**; Озарбайжон ССРдан — Озарбайжон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **К. А. Халилов**; Литва ССРдан — Литва ССР Министрлар Советининг Раиси **Р. -Б. И. Сонгайла**; Молдавия ССРдан — Молдавия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси — **И. П. Калин**; Латвия ССРдан — Латвия ССР Министрлар Советининг Раиси **Ю. Я. Рубэн**; Қирғизистон ССРдан — Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Т. У. Усубалиев**; Тожикистон ССРдан — Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Р. Набиев**; Арманистон ССРдан — Арманистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Б. Е. Саркисов**; Туркманистон ССРдан — Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **М. Ғ. Ғапуров**; Эстония ССРдан — Эстония ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **И. Г. Кэбин** шонли сана — Қозоғистон Россияга ихтиёрий қўшилганлигининг 250 йиллиги ва Қозоғистон ССРга Ленин ордени топширилганлиги муносабати билан тантанали мажлис қатнашчиларини, республиканинг барча меҳнаткашларини самимий табрикладилар.

Қозоғистон диёридаги қувончли байрам, деб таъкидлашди нотиқлар, — бу йил СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини нишонлайдиган бутун кўп миллатли Ватанимиз ижтимоий сиёсий ҳаётидаги шонли воқеа, қардош халқлар бузилмас дўстлиги ва бирлигининг яна бир далилидир. Қардош халқлар жонажон Коммунистик партия ва унинг ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашиб замонамиздаги социал тараққиётнинг олий ютуғи — ривожланган социализм жамияти барпо этилишига эришдилар, коммунистик қурилишнинг барча соҳаларидаги муваффақиятларни кўпайтирмоқдалар.

Нотиқлар КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун мамлакатда кенг авж олиб кетган социалистик мусобақа тўғрисида гапирдилар. Бутун мамлакатнинг ёрдамини доимо ҳис этаётган иттифоқдош республикаларнинг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми маъқуллаган Озиқ-овқат программасини ҳал этишга қўшадиган ҳиссасини кўпайтиришни ўзларининг юксак интернационал бурчи деб биладилар.

Мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советига, ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

* * *

Тантанали мажлис қатнашчилари учун катта байрам концерти қўйиб берилди.

ТЎРТ ҲАФТАДАН БЕРИ УЧИШЯПТИ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 11 июнь. (ТАСС). Анатолий Березовой ва Валентин Лебедев космик вахтасининг биринчи ойи тугаяпти. Ўтган тўрт ҳафта ичида илмий-тадқиқот комплексининг экипажи «Салют-7» станциясини кичик бошқарадиган учиш режимига ўтказиш борасида мўлжалланган кўпдан-кўп ишларни бажарди, «Прогресс-13» транспорт кемасининг юкини тушириб олди.

«Дельта» мустақил навигация такомиллаштирилган системасини пишиқтириш мўлжалланган программанинг муҳим босқичларидан бири бўлди. Бу система орбитал комплекс ҳаракат траекториясининг параметрларини автомат тарзда ғоят аниқ белгилашга имкон беради, зарур динамик операциялар ўтказиш учун командалар беради. Қайси вақт қайси жойда тузатиш ва суратга олиш натижаларини қайд этиш билан боғлиқ режимлар ҳам кўзда тутилган. Мустақил навигация системасининг қўлланиши экипажнинг анча маҳсулдор ишлашига ёқилғи, электр энергиясини ҳамда станция ичидаги ускуналар ресурсини рационал сарфлашга имкон беради.

Бугун космонавтлар «Дельта» ёрдамида жумладан комплексни ғоят аниқ мўлжал олдириш ва стабиллашни тақозо этувчи бир қанча астрофизик тадқиқотлар ўтказмоқдалар.

Космик учиш шароитларида юксак ўсимликларни ўстириш имкониятларини ўрганишга доир биологик экспериментлар давом эттирилмоқда. Экипаж ўсимликларнинг ўсиши ва мўлжал олишини, баргларнинг тусини кузатиб бормоқда, уларнинг бошқа хусусиятларини қайд этмоқда.

Эртага орбитал комплекс экипажи дам олади. Визуал кузатиш олиб бориш, жисмоний машқлар билан шуғулланиш, душ қабул қилиш мўлжалланади. Космонавтлар радио ва телевизион алоқа сеанслари чоғида оилалари билан учрашадилар.

Комплекс медицина текшириш натижаларига кўра, Анатолий Березовой ва Валентин Лебедев соғлиғи яхши. Уларнинг учиши давом этмоқда.

ЁШЛАР ЖАСОРАТИ — АСОСИЙ МАВЗУ

«Совет Ўзбекистони ёзувчиларининг асарларида меҳнаткаш ёшлар образи» 11 июнь куни қўриқ Жиззах областида бошланган республика қаҳрамонлик-ватанпарварлик ўқувининг асосий мавзуидир. Қаҳрамонлик-ватанпарварлик ўқувини Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети билан республика Ёзувчилар союзи СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишлаб ўтказмоқда.

Таниқли адиблар янги ерларни ўзлаштирувчиларга Ҳамза, Ғафур Ғулом, Шароф Рашидов, Комил Яшин, Ҳамид Ғулом ва бошқа ёзувчиларнинг асарларида ёш совет ватанпарварлари ва интернационалистларининг акс эттирилган ёрқин образлари ҳақида гапириб бердилар.

Ўқув программаси уч кун давом этади.

(ЎзТАГ).

«НОВИЙ МИР»НИНГ САМАРҚАНДДАГИ УЧРАШУВЛАРИ

Таниқли совет адиблари — Ўзбекистон ССРда «Новий мир» журнали кунларининг қатнашчилари икки кун мобайнида Самарқанд области меҳнаткашларининг ҳузурида меҳмон бўлишди. Улар Самарқанднинг диққатга сазовор жойлари ҳамда янги қурилиш районлари билан танишдилар, олий ҳарбий-автомобиль қўмондонлик билим юртида ва Пахтачи районидаги «Коммунизм» колхозида ижодий учрашувлар ўтказдилар.

— Бу учрашувлар бизнинг ҳаммамизда ғоят катта таассурот қолдирди, — деди СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, «Новий мир» журналининг бош редактори, Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. В. Карпов. — Мен Самарқандда бир неча марта бўлганман ва ҳар сафар унинг гўзаллигига — тарихий ёдгорликлари, бинолари гўзаллигига мафтун бўламан. Бундай таассуротлар, саноат корхоналарининг меҳнаткашлари, деҳқонлар билан учрашувлар бизнинг келгуси ижодий фаолиятимизда сўзсиз ўз аксини топади. Совет Армиясининг бўлажак офицерлари билан суҳбатлашиш мен учун айниқса қувончли бўлди. Чунки Улуғ Ватан уруши йилларидаги жангчиларимизнинг жасорати, уларнинг бугунги кундаги қаҳрамонлик ишлари — менинг бутун ижодимнинг етакчи мавзуидир.

(ЎзТАГ).

МАШҒУЛОТЛАР ТУГАДИ

Тошкент олий партия мактаби ҳузуридаги партия ва совет ходимлари малакасини ошириш республикалараро курсларида тингловчиларнинг навбатдаги группаси — Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон Компартиялари Марказий Комитетларининг, область партия комитетларининг масъул ходимлари, район партия комитетларининг идеология масалалари билан шуғулланувчи секретарлари машғулотларни тугатдилар.

Курсларнинг тингловчилари коммунистик қурилишнинг назарияси ва практикасининг актуал масалаларини, ривожланган социализм даврида КПССнинг иқтисодий сиёсатини, партиянинг ташқи сиёсий фаолиятини ўрганиш билан бир қаторда КПСС XXVI съезди ва қардош республикалар Компартияларининг съездлари, шунингдек КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларидан, ана шу Пленумда ўртоқ Л. И. Брежнев қилган докладдан келиб чиқадиган талаблар асосида идеологик, сиёсий-тарбиявий ишлар масалаларига оид лекциялар тингладилар.

Иш тажрибаси ўзаро ўртоқлашилди. Бўстонлиқ ва Ғалаба районлари партия комитетларида сайёр машғулотлар бўлиб ўтди. Бу машғулотларда тингловчилар ғоявий-тарбиявий ишни ташкил этишга комплекс ёндашишни амалга ошириш, иқтисодий ва социал ривожланиш планларининг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлаш юзасидан район партия ташкилотларининг тажрибаси билан танишдилар.

Курсларнинг тингловчилари «Ривожланган социалистик жамиятда миллий муносабатлар» мавзуидаги Бутуниттифоқ симпозиум ишида қатнашдилар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Аэропортларни лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишга топшириш соҳасида ҳамкорлик қилувчи Совет — Франция кичик группаси составига кирган Франция мутахассислари Ўзбекистон билан танишиб бўлдилар.

Париж аэропортлари бошқармасининг президенти Раул Моро бошчилигидаги меҳмонлар Тошкент ва Самарқанднинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар, бу шаҳарлардаги аэропортлар иши билан танишдилар. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов Франция мутахассисларини қабул қилди.

(ЎзТАГ).

МУХТОР АШРАФИЙГА БАҒИШЛАНАДИ

11 июнь куни Тошкент давлат консерваториясида Мухтор Ашрафий туғилган кунининг 70 йиллигига бағишланган илмий-назарий конференция бўлиб ўтди. Тошкент консерваторияси таниқли совет композиторининг номи билан аталади. Конференцияда сўзга чиққан санъатшунослар, музикачилар, бадиий коллективларнинг раҳбарлари, М. Ашрафийнинг шогирдлари унинг ижоди ўзбек операси, балети, симфоник музикасини яратиш ва ривожлантиришда, республикада ижодкор кадрларни тайёрлашда катта аҳамиятга эга бўлганлиги ҳақида гапирдилар.

Бир ҳафта мобайнида Тошкентда, Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида композиторнинг опера ва балет спектакллари намойиш қилинади, унинг асарларидан концертлар қўйилади. Ҳафталик Ўзбекистон ССР давлат академик Катта театрида юбилей кечаси билан ниҳоясига етади. Бу театр саҳнасида Мухтор Ашрафийнинг барча асарлари қўйилган ва унинг ўзи кўп йиллар дирижёрлик қилган эди.

(ЎзТАГ).

ЧОРВАЧИЛИК—ЗАРБДОР ФРОНТ

ЎЗБЕКИСТОН ОТАРЛАРИ

СССРнинг Озиқ-овқат программасида Ўзбекистон ССРда пахтачиликни ривожлантириш билан бирга чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни жадал суръатларда кўпайтириш кўзда тутилади. Республикада чорвачиликнинг асосий йўналишларидан бири — қоракўл қўйларни кўпайтиришдир. Қоракўлчилик отарлари гўштининг бешдан бир қисмини, жуннинг 60 процентини ва 2,2 миллион донадан зиёд қоракўл тери беради. Аммо мазкур тармоқнинг ривожига тўсқинлик қилаётган камчиликлар мавжуд. Бу камчиликларни қандай енгиб ўтиш ҳақида олимларнинг қуйидаги мақоласида ҳикоя қилинади.

Ўзбекистонда қоракўл қўйлардан йилига фақат 2,2 миллион донадан зиёд қоракўл тери олинибгина қолмай, балки гўштнинг бешдан бир қисми, жами жуннинг 60 проценти олинади. Республикада қоракўлчиликни ихтисослаштириш ва концентрациялаш амалга оширилиб, қўйларнинг насл ва маҳсулдорлик хусусиятлари тинмай такомиллаштириляпти. Бу ерда турли ранглардаги қоракўл қўйларнинг ўн тўққизта зот ва завод типлари яратилган.

Қоракўл қўйларнинг асосий қисми «Узглавкаракульпром» совхозларига бирлашган. Хўжаликларнинг ярмидан кўпи қора рангдаги қўйларни, 19 таси — кулранг, 17 таси — сур, 2 таси оқ ва 1 таси пушти рангдаги тери берадиган қўйларни кўпайтиришга ихтисослаштирилган. Ўзбекистон қоракўли сифати ва ассортиментга бойлигига кўра тенги йўқдир.

Эришилган ютуқлар — фан ва амалиётнинг кўп йиллик самарали ҳамкорлиги натижасидир. Самарқандда жойлашган Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий-тадқиқот институти олимлари республиканинг ўттиз қоракўлчилик совхозларида тадқиқот ишлари олиб боришяпти. Селекция ва наслчилик ишларини зот билан қўшиб ташкил этиш системасининг янги методларини жорий этиш, қоракўл териларга баҳо бериш ва стандартлашни такомиллаштириш ҳамда олимлар томонидан тақдим этилган бошқа тадбирларни жорий этиш зотларни мукаммаллаштириш, молларнинг насл ва маҳсулдорлик хусусиятларини ошириш, ишлаб чиқаришнинг янги, сермаҳсул зотдор ва завод типлари билан бойитиш, товарбоп тери ассортиментини кенгайтириш, унинг сифатини яхшилашни таъминлайди. Кейинги беш йил мобайнида биринчи сорт қоракўл тери олиш республика бўйича ўртача 88—90 процентни ташкил этди.

Тармоқнинг бу шубҳасиз ютуқлари ҳали ҳал этилмаган муаммоларни, раҳбарликдаги камчиликларни бартараф этгани йўқ, зоотехника ишларида, наслчиликни ташкил этишда ҳали камчиликлар мавжуд. Бу борада ҳамма нарсанинг асоси наслчилик ишларидир. Наслчилик заводлари тармоғи ҳам шулар туфайли тузилган. Аммо кейинги вақтларда бу хўжаликлар ҳалдан ташқари товарбоп маҳсулот етиштириш билан банд қилиб қўйилган. Натижада уларда қўйлар сонини 60—80 минг бошгача кўпайтиришга тўғри келди. Шу хилда юқори қимматли наслли қўзи етиштириш технологияси бузилди. Иш шунгача бориб етдики, наслчилик заводларида ҳам фойдаланиш асло мақбул бўлмаган «СЖК» биостимуляторларидан қўлланила бошланди.

Республика қоракўлчилигини изчил ривожлантириш ва уни интенсивлаштириш селекция ишларини яхшилаш ҳамда озуқа базасини мустаҳкамлаш билан узвий боғлиқдир. Сурувларни жадал тўлдириш, унда совлиқларнинг салмоғини кўпайтириш — ҳар бир хўжаликнинг узоқ вақтга мўлжалланган вазифасидир. Бу йил баҳорда республикада 1,2 миллион урғочи қўзи ўстиришга қолдирилди — бу ўтган йилдагидан 100 мингтага кўпдир. Бу борада «СЖК» қўлланиш чегараланган «Қарноб» давлат наслчилик заводи тажрибасига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу ерда ҳар юз бош совлиқдан ўртача 120—125 тадан юқори классли қўзи олишади. Ана шу қўзилар терисининг ҳажми 900—1000 квадрат сантиметрга етади ва бундан ҳам кўп бўлади. «Қарноб» совхозида асосий «стимулятор» — бу қўйларни бутун йил давомида яхшилаб парваришлаш ҳамда тўйдиришдир.

Саҳро ва ярим саҳродаги табиий яйловлар қоракўл қўйлар учун озуқанинг асосий манбаси бўлиб хизмат қилади. Бундай яйловлар республикада 23,4 миллион гектардир, шу жумладан унинг 18,5 миллион гектари қоракўлчилик зонасида. Бу ерлар қоракўлчилик отарлари эҳтиёжининг атиги 80 процентини қондиради. Саҳро яйловлари маҳсулдорлиги юқори эмас — бор-йўғи гектаридан бир, ярим-уч центнердан қуруқ поя олинади ва йил ҳамда мавсум давомида кескин ўзгариб туради. Айрим серҳосил яйловлар қоракўлчилик тасарруфидан олиб қўйилгач, аҳвол яна мураккаблашади.

Қийинчиликдан қутулишнинг йўли битта — яйлов хўжалигини ҳар жиҳатдан интенсивлаштиришдир. Республикада яйловларни реконструкциялашнинг комплекс программаси белгиланган. Бу программа фитомелиоратив ишларни амалга ошириш, маданий ўралган боқув жойлари яратиш, яйлов алмашлашни жорий этиш, сув чиқариш ва суғориш шохобчаларини реконструкциялашни кўзда тутади. Буларнинг ҳаммаси озуқабоп майдонлар маҳсулдорлигини анча оширади, қўйлар рационини яхшилайди.

Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий-тадқиқот институти саҳро яйловларини яхшилашнинг самарали системасини жорий этяпти. Қора саксовул ихота яйловли полосалар ва изень, қийровуқ, явшон, чоғон, бошқа қурғоқчиликка чидамли ўсимликлар битадиган кўп йиллик яйловлар яхшиланмаган табиий боқув жойларидан бирмунча кўпроқ озуқа беради. Ихота яйлов зоналарида ўртача ҳосил гектарига 5—6 центнерни ташкил этади, узоқ йиллик яйловлар эса 12—15 центнердан ҳосил беради. Ҳозирги пайтда ихота яйлов полосалари ва узоқ йиллик яйловлар 322 минг гектарни ишғол этади.

Саҳро ва ярим саҳро яйловларини шу қадар кенг миқёсда яхшилаш учун кўплаб изень, қийровуқ, явшон, чоғон, қора саксовул уруғи керак. Ўнинчи беш йилликда республика 1228 тонна шундай уруғ етиштирди. Унинг учдан бир қисми «Қарноб» давлат наслчилик заводида тайёрланди. Бу хўжалик изеннинг «Қарнобчўл» ва «Саҳройи» навлари уруғини, қийровуқнинг «Қарноб тўнғичи» ва «Қуёшли» навлари уруғини етиштиришни ўзлаштирди. Ихтисослаштирилган техника бўлганда натижалар янада салмоқли бўлиши мумкин эди. Аммо бундай техника ана шу мақсадлар учун ишлаб чиқилмаган ва ҳанузгача чиқарилмаяпти.

Яйловларга сув чиқариш билан боғлиқ бўлган ҳамма муаммолар ҳам ҳал этилгани йўқ. Қизилқумнинг олис яйловлари ҳали ҳам сув манбалари билан таъминланмаган. Бу яйловлар миллион гектарларни ташкил этади. Парма қудуқларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида ана шу яйловларда сувнинг сатҳи камаяпти. Хўжаликларда бундай қудуқлардан фойдаланиш бўйича ихтисослаштирилган звенолар ташкил этиш, саҳро яйловларида трубали қудуқлар ва сув қувурларни жиҳозлаш бўйича яйлов-мелиоратив-қурилиш бирлашмаси ишларини активлаштириш пайти келди.

Яйловда озуқа экинлари майдонларининг прогрессив типи — маданийлашган атрофи ўралган яйловдир. Ўзбекистонда бундай яйловлар 19 та қоракўлчилик хўжалигида 176 минг гектар майдонда барпо этилган. Тўғри, бунинг учун анчагина капитал маблағ талаб этилди. Аммо харажатлар бир неча йилда қопланади. Қўйларни участка-загон усулида боқиш тармоқнинг маданияти ва самарадорлигини оширади. Атрофи ўралган яйловлар барпо этилган хўжаликларда чўпонларнинг меҳнатини янги формада ташкил этиш жорий этиляпти, хусусан, йириклашган қўйчилик бригадалари 3,5—4,1 минг қўйга қарайди. Масалан, «Қарноб» давлат наслчилик заводида олтита йириклашган бригададан иборат яйлов комплекси ишга туширилган. Бу ерда 18 минг бош қўй 32 минг гектар атрофи ўралган яйловда асралади. Чўпонларнинг меҳнат унумдорлиги икки баравар кўпайди, маҳсулот таннархи камайди.

Республика хўжаликларида етарли ем запаси яратиш учун саҳродаги дағал хашаклардан ташкил топган донадор озуқа аралашмаси етиштириляпти. Грануллар жуда тўйимли хусусиятга эга бўлиб, амалда тўла ейилади. Бунда қўйларнинг маҳсулдорлиги 15 процент ошади, маҳсулот бирлигига сарф бўладиган озуқа камаяди. Барча ихтисослашган қоракўлчилик хўжаликлари ОГМ-0,8 ёки ОГМ-1,5 агрегатлари билан таъминланган. Аммо бу агрегатлар пояли хашакларни майдалайдиган дозаторлар етишмаслиги туфайли тез-тез бекор туриб қолади.

Қоракўлчилик фақат тери ва жунгина эмас, балки қўй гўшти ҳам беради. Ўзбекистонда қўйларни механизациялашган майдончалар ва комплексларда бўрдоқига боқишнинг саноат технологияси қарор топди. Чунончи «Қарноб» давлат наслчилик заводининг бўрдоқичилик майдончасидан кейинги йилларда ҳар бирининг вазни 48—50 килограмм бўлган юқори семизликдаги 30 мингдан зиёд қўй давлатга сотилди. Бир пайтнинг ўзида қарийб 25 минг қоракўлча олинди. Бўрдоқи гўшти ва қоракўлча етиштиришдан олинган соф даромад ярим миллион сўмни ташкил этди. Ана шундай технология асосида Ўзбекистонда тўққизта йирик хўжаликлараро комплекс тузилди. Бу комплекслар ҳар йили 400 — 450 минг қўйни бўрдоқига боқади.

Қоракўл қўйлар гўшт маҳсулдорлигини ошириш ҳамда қўзилатишни бирмунча эрта муддатларда ўтказишда резервлардан тўла фойдаланилмаяпти. Бунда тери сифати паст бўлган қўзиларнинг бир қисми ўстиришга ва гўштбоп бўрдоқига қолдирилади. Уларнинг вазни 40—45 килограммга етганда гўшт комбинатига юборилади. Бу метод тўла жорий этилганда қўшимча маҳсулот йилига ўн минглаб тонна гўштни ташкил этади.

Қоракўлчиликнинг миқёслари мана нақадар кенг. Аммо бу соҳа чорвачиликнинг барча тармоқлари ичида кам механизациялашганлигича қолаётир. Чўпонларнинг меҳнатини дала шароитида енгиллатиш имконини берадиган машина ва ускуналарнинг йўқлиги анча ташвиш туғдиради. Чўпон бригадалари ҳатто кичик механизация воситалари ва тежамли электр энергияси манбаларига ҳам эга эмаслар. Қудуқдан сув чиқарадиган механизмлар етишмайди. Озуқа тайёрлаш учун механизациялашган мосламалар ҳануз қўл меҳнати талаб қилади, қоракўл терини ишлаш жуда сермеҳнат жараёнлигича қоляпти. Бошқарилиши мураккаб бўлган технология назорат қилишни қийинлаштиради, бу маҳсулот сифатига ҳам кўпинча таъсир этади.

Қўшимча маҳсулот деб ҳисобланадиган қўй терилари ҳақида бир неча сўз. Қоракўл қўй териларининг ярмидан кўпини пўстин материали сифатида фойдаланиш мумкин, уларнинг миқдори эса юз минглаб донага етади. Аммо бу ишни ҳал этиш осондек туюлсада, ҳаққоний реализация баҳоларини белгилаш зарур.

С. АСОМОВ,
Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий-тадқиқот институти директори.

А. ПУЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қишлоқ хўжалиги бўлими мудирининг ўринбосари.
(«Сельская жизнь», 9 июнь).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия ва хўжалик органларида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Каттақўрғон район комитетининг биринчи секретари ўртоқ Иноят **Туроповни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми халқ хўжалиги учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш борасида кўп йил, самарали ишлаганлиги, жамоат ишида актив қатнашганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлганлиги муносабати билан Фарғона кечки нефть техникумининг директори ўртоқ Ефим Леонидович **Гоберманни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларига биноан адабиёт соҳасидаги хизматлари учун ёзувчилардан Тамара Соломоновна **Горбштейн,** Анатолий Андреевич **Ершов** ва Муҳаммаджон Камолович **Хайруллаев** ўртоқлар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотландилар.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қишлоқ хўжалик системасида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг маъмурий хўжалик бошқармаси бошлиғи ўртоқ Ҳуснитдин Ҳасанович **Ҳасановга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими»** фахрий унвони берди.

Тошкент алоқа политехникумидаги 2-сайлов участкасида 70 дан ортиқ агитатор қатта ишларни амалга оширмоқда. Суратда: бош агитатор Валентина Еремеева биринчи марта овоз бераётган сайловчилар билан суҳбат ўтказяпти. С. Икромов фотоси.

ҚУРИЛИШ САМАРАЛИ ВА СИФАТЛИ БЎЛСИН

Республика қурилиш ва монтаж ташкилотларининг коллективлари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев Тошкентдаги тантаналарда капитал қурилиш олдига қўйган вазифаларни бажариш учун сабот билан меҳнат қилмоқдалар. Улар шу йилнинг беш ойи ичида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кўп асосий фондларни ишга туширдилар, капитал маблағларни ўзлаштирдилар ва қурилиш-монтаж ишларини бажардилар, 688,2 минг квадрат метр уй-жой қурилди ва фойдаланишга топширилди, 9184 ўринли мактаблар ва ҳунар-техника билим юртлари, 5395 ўринли мактабгача болалар муассасалари, 740 ўринли касалхоналар, 300 киши қабул қиладиган поликлиникалар қурилди ва фойдаланишга топширилди, 18,9 минг гектардан зиёд янги суғориладиган ерлар ўзлаштирилди.

Республиканинг асосий қурилиш ва монтаж министрликлари ҳамда идоралари январь-май ойларида пудрат ишлари планини бажариши қуйидагича бўлди (биринчи устун — тайёр товар қурилиш маҳсулотларининг биринчи ярим йиллик планига нисбатан реализация этилишини, иккинчи устун—январь-май ойларида қурилиш-монтаж ишлари ҳисоб ҳажмининг бажарилишини, учинчи устун — 1981 йилнинг январь-майига нисбатан 1982 йилнинг январь-майда қурилиш-монтаж ишлари ҳисоб ҳажмини процент ҳисобида кўрсатади):

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги	69	100,3	99,5
Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги	54	101,0	107,0
Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги	99,7	108,0	105,0
«Главташкентстрой»	67	102,0	109,0
Ўзбекистон ССР Мелорация ва сув хўжалиги министрлиги	59	108	102
Ўзбекистон ССР «Госкомдодстрой»и	64	107	109
Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари министрлиги	70	106	104
«Главсредазирсовхозстрой» [Ўзбекистон ССР территорияси бўйича]	80	107	106
«Узколхозстрой»	74	106	102

Аммо келтирилган кўрсаткичлардан кўринадики, қурилиш ишлари суръатлари Мелорация ва сув хўжалиги министрлиги, Автомобиль йўллари министрлиги ва «Узколхозстрой»да ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча паст, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигида эса унинг пасайиб кетишига йўл қўйилган, Қишлоқ қурилиши министрлиги, Мелорация ва сув хўжалиги министрлиги ва «Госкомводстрой» тайёр қурилиш маҳсулотларини буюртмачиларга топширишни чўзиб юбормоқда.

Ишга туширилаётган жуда муҳим объектлар қурилишида, шу жумладан Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг Учқулоч ва Қалмоққир конларида, Ўзбекистон ССР «Госкомводстрой»ни Пойтуғ, Чинобод, Қўрғонтепа, Бешариқда Андижон ва Фарғона тўқимачилик комбинатлари филиалларини қуришда, Ўзбекистон ССР Мелорация ва сув хўжалиги министрлиги Марҳамат ва Хўжайлида шундай филиалларни қуришда йўл қўяётган қолоқлик жиддий ташвишга солади.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги, Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг ташкилотлари ҳамда Навоий қурилиш бошқармаси минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қиладиган воситалар ишлаб чиқарувчи объектдаги ишларни паст суръатлар билан олиб бормоқда.

Баъзи қурилиш ва монтаж ташкилотлари Озиқ-овқат программаси муваффақиятли бажарилишини таъминлайдиган озиқ-овқат, гўшт ва сут саноати объектлари қурилишидаги ишларни тез тугатиб олмаётир.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги Сирдарё, Жиззах, Навоий, Хоразм областлари ва Қорақалпоғистон АССРдаги катта-катта чорвачилик комплекслари ва паррандачилик фабрикаларини қуришда анча қолоқликка йўл қўйди.

Бир қанча областлар, шаҳарлар ва районларда уй-жойлар, мактаблар, болалар даволаш муассасалари ва маданий-маиший аҳамиятдаги муассасалар қурилишида қолоқликка йўл қўйилмоқда.

Ҳозирги вазифа ишга туширилаётган қурилишлар ва объектлардаги ишларни, аввало, ишга туширилиши планга кўра, йилнинг биринчи ярмига мўлжалланган объектлардаги ишларни кучайтиришдан иборат бўлиб, уларни июнь ойида ишга тушириш, ишчи кучлари ва моддий ресурсларни мумкин қадар кўпроқ йиғиш, меҳнатни нормал ташкил этиш ҳисобига ишга туширилаётган бошқа қурилишлар ва энг муҳим қурилишлардаги қолоқликни тарк этишдан иборатдир.

Қурувчилар ва монтажчилар шу йилнинг июнида янги катта-катта қувватлар ва объектларни ишга туширишлари, шу жумладан:

Андижон областида — ип газлама комбинатида 372 дастгоҳли тўқув цехи, Комсомолободда балиқ ўстириш ҳовузи, Хўжаобод районида паррандачилик фабрикаси;

Фарғона областида — «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида 450 минг тонна аммиак ишлаб чиқарадиган цех, В. И. Ленин номли совхозда теплица комбинати;

Тошкент областида — Олмалиқ шаҳрида «Ўртоқ» кондитер фабрикаси, «Ўзбекистон» ва «Ўртасарой» паррандачилик фабрикалари;

Қорақалпоғистон АССРда — «Кўнғирот» ва «Нукус» совхозларида теплица комбинатлари;

Жиззах областида — Жиззах шаҳрида ишқорли аккумуляторлар заводи қувватининг камомати, тақсимот холодильниги ва область босмахонаси ишга туширилмоғи лозим. Бундан ташқари Сирдарё областида 2,4 миллион паррандага мўлжалланган фабрика, Сурхондарё областида балиқ комбинати, Урганч уйсозлик комбинатида қўшимча қувватлар ва саноат ҳамда қишлоқ хўжалик аҳамиятидаги бошқа бир қанча объектлар ишга туширилмоғи лозим.

Республиканинг партия, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотлари, область, шаҳар ва район партия комитетлари ҳузуридаги қурилиш штаблари социалистик мусобақани кенг кулоч ёйдиришлари, социалистик мажбуриятлар бажарилмоғи учун мусобақадош коллективларга шарт-шароитлар яратилиши хусусида хўжалик раҳбарларига кўпроқ талаб қўйишлари, йилнинг биринчи ярмида мўлжалдаги ҳамма объектлар сўзсиз ишга туширилишини таъминлаш учун коммунистлар ва барча қурувчиларнинг масъулиятини оширишлари керак.

НАЗАРИЯ БИЛАН ПРАКТИКАНИНГ БИРЛИГИ

«КПСС XXVI съезди назария билан практиканинг бирлиги тўғрисида» номли тўпламнинг иккинчи нашри чиқарилди.

Тўплам КПСС ва Совет давлати раҳбарларининг 1981 йил иккинчи ярмида эълон қилинган мақолалари ва нутқларидан иборат. Бу мақолалар ва нутқларда КПСС XXVI съезди қарорлари асосида Коммунистик партия назарий ва амалий фаолиятининг энг муҳим йўналишлари баён этилган. Ўн биринчи беш йиллик планини амалга оширишда совет халқининг олиб бораётган улуғвор иши кўрсатилган.

Тўплам материалларида шунингдек халқаро муносабатларнинг, жаҳон революцион жараёнининг, тинчлик учун курашнинг муҳим проблемалари ҳар тарафлама талқин этилган.

Китобни Снёсий адабиёт нашриёти чиқарди. (ТАСС).

КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми қарорлари, партия Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумдаги докладини совхозимиз коллективи кўтаринки руҳда кутиб олди. Бу тарихий ҳужжатларда СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программасининг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

— Биринчи марта аграр-саноат комплекси планлаштириш ва бошқаришнинг мустақил объекти сифатида ажратилмоқда, — деди Леонид Ильич, — бу ҳол территориал, соҳа ва программавий — тармоқ планлаштиришни яхшироқ, самаралироқ қўшиб олиб бориш имконини беради. Такрор айтаманки, пировард натижа — мамлакатни озиқ-овқат билан узлуксиз таъминлаш программавий тармоқ планлаштиришнинг асоси қилиб олинади. Қишлоқ хўжалигини ва марказда ҳам, жойларда ҳам у билан боғлиқ тармоқларни бошқаришнинг яхлит қилиб бирлаштирилган системаси айни шу натижага, шу мақсадга бўйсундирилади.

Совхозимиз чорвачиликка ихтисослаштирилган. Асосан гўшт ва енгил саноат учун энг зарур ҳом ашё — майин жун етиштирилади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Тошкент область партия комитетининг ғамхўрликлари туфайли кейинги йилларда совхозимизда йирик ва сермаҳсул қорамолчилик, йилқичилик, паррандачилик фермалари ҳам ташкил қилинди, унумдор Келес яйловлари Қалинин районимизнинг гўшт, сут, тухум, жун ва бошқа турдаги маҳсулотлар тайёрлаш йирик базасига айлантирилди.

Ҳозир совхозимизда «Ўзбекистон» зотли 60 минг бош қўй боқиляпти. Бу йилги қўзилатиш мавсуми айниқса ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказилди. Ҳар 100 бош она қўйдан пландаги 90 та ўрингa 125 тадан соғлом қўзи олинди. Фермалардаги 21 минг 237 бош қўзининг ҳаммаси, чиқимга чиқарилмасдан, ўстиришга тўла сақлаб қолинди. Бу планда кўзда тутилганидан 5.237 бош кўп демакдир. Келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, совхозимиз коллективи Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун дастлабки заминни яратди.

Озиқ-овқат программасида барча тармоқларда кенг кўламда олиб борилаётган ишлар ҳамиша яхши самаралар бериши лозимлиги алоҳида таъкидланган. Совхозимиз коллективи маҳсулотлар тайёрлашда доимо юқори самарадорликка эришяпти. Буни қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин:

ИЛҒОР ТАЖРИБА МАКТАБИ

ЧОРВАЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

Тонна ҳисобида

Йиллар	гўшт		жун	
	план	планга қўшимча	план	планга қўшимча
1980	625	100	113	33
1981	724	190	117	35
1982	750	210	118	36

1980—1981 йилларда эришилган ютуқлар ҳақида гапириб ўтирмайман. Фақат 1982 йил кўрсаткичларигина таҳлил этаман. Гап шундаки, ўтган беш ойда бу йилги план ҳисобига 400 тонна юқори сорт гўшт топширдик. Ҳозир 4000 бош қўй бўрдоқига боқиляпти. Ҳар бирининг тирик вазни ўртача 55—56 килограммни ташкил этяпти. Яқин кунларда ана шу қўйларни тайёрлов ташкилотларига етказиб берамиз. Шундай қилиб, ярим йилда давлатга 620 тонна гўшт топширамиз. Ўринма-ўрин яна 4000 бош қўйни боқувга қўямиз. Йиллик 750 тонна гўшт тайёрлаш планини планга қўшимча 210 тонна гўшт топшириш ҳақидаги мажбуриятимизни октябрь ойининг бошларида тўла бажарамиз.

Қўйларни бўрдоқига боқишда конвейер усулини ташкил этганмиз. Барча отарларда қўйлар сараланиб олингач, тирик вазни ўлчаб кўрилади, сўнгра база ихтиёрига топширилади. Мутахассислар ем-хашак ресурсларини ҳисобга олган ҳолда озуқа рациони тузадилар. Айрим нимжонроқ, чимхўроқ қўйларга алоҳида рацион белгиланади. Шундай қилиб, 115—120 кунда ҳар бош қўйнинг тирик вазни 58—60 килограммгача етказилади. Қўйларни тез семиртирган бўрдоқичилик базаси ходимлари меҳнатига яраша рағбатлантирилади.

Қўйчиликни ривожлантиришда ҳам гап борар экан, бой тажрибаларимиздан айирмаларини айтиб ўтиш ўринлидир. Отарлардаги қўйлар бир қеча-кундузда камида 14—16 чақирим яйлов кездирилиши, хусусан тунда кўпроқ юргизилиши керак. Сабаби шуки, кундуз кунлари яйловлардаги ўтни танлаб еган қўйлар тунда танламасдан ёппасига ейди.

Қўйчиликда яна бир муҳим масала бор. Қўзилар онасидан ажратилгандан кейин совлиқларни камида икки ой асосий озуқадан ташқари қўшимча озуқа билан ҳам парваришлаш керак. Шундай қилинганда совлиқлар ҳам, қўчқорлар ҳам яхши семиради, урчитишга мослашади, семиз совлиқлар қисир қолмайди, кейинчалик бола ташламайди. Урчитиладиган ҳар бош совлиқнинг танасида камида 10 килограмм ёғ бўлиши шарт. Шунда қишловдан соғлом чиқади, кўплаб эгиз қўзи-лайди. Совлиқлар, қўчқорлар ва қўзи-тўхлиларнинг юқори семизликда бўлиши кўп жиҳатдан қўйчивонларнинг фидокорлик билан қиладиган меҳнатига боғлиқдир. Яхши чўпонлар ва уларнинг ёрдамчилари хизмат қилаётган отарлар, фермаларда ҳеч қачон қўй-қўзилар ўлмайди, эгиз сони кўпаяди. Бу эса маҳсулотларнинг кўпайиши демакдир.

Озиқ-овқат программасида барча тармоқларда, меҳнат унумдорлигини кўтариш, тежамкорликни кучайтириш, эгасизлик ва исрофгарчиликка йўл қўймаслик, маҳсулотларнинг навини ошириш масалалари ўртага қўйилган. Бу масалаларни, фурсатни қўлдан бой бермасдан, ҳозирданоқ муваффақиятли ҳал этиш лозим. Барча имкониятларни ишга солиш, резервлардан оқилона фойдаланиш қўлга киритиладиган ютуқларнинг гаровидир. Совхозимизда ишга солиниб, яхши самарадорликка эришиладиган резервлар ҳали кўп.

Масалан, 4500 гектар майдонда изень ўстиряпмиз. Ҳар гектаридан 2 тоннадан жами 9000 тонна қимматбаҳо озуқа оламиз. Шуни айтиш керакки, бир тонна изень уруғининг пулига 100 тонна ем харид қилиш мумкин. Еки бошқачасига айтганда, изень уруғчилигидан ҳар йили 300 минг сўм даромад қиляпмиз. Бундан чиқадиган хулоса шуки, барча чорвачиликка ихтисослаштирилган хўжаликларда изень экишни бутун чоралар билан кучайтириш, ҳосилдорлигини ошириш керак.

Колхозлар, совхозлар, районлар ва областлараро наслли қўйлар, хусусан қўчқорларни алмаштириб туриш сергўшт, серсут чорва моллар сонини кўпайтиришда катта роль ўйнайди. Биз шуни ҳисобга олиб, ҳар йили Андижон, Фарғона, Наманган ва Тошкент областларининг хўжаликларига 2000 бош зотли қўчқорлар сотяпмиз. Ўн биринчи беш йилликнинг қолган йилларида, асосан эса ўн иккинчи беш йилликда бу рақамни 5500—6000 бошга етказиш ниятидамиз.

Жун етиштиришни бутун чоралар билан кучайтирамиз. Сабаби, совхозимизда енгил саноат учун энг қимматбаҳо ҳом ашё — майин жун тайёрланади. Ҳозир ҳар бош қўйдан пландаги 2,2 килограмм ўрнига 3 килограммдан жун қирқяпмиз, ҳар килограмм жунни тайёрлов ташкилотларига 12 сўмдан сотяпмиз. Умуман ўн биринчи беш йилликнинг охиригача, хусусан ўн иккинчи беш йиллик давомида хўжалигимиз бўйича гўшт ва жун тайёрлашни ҳозиргига нисбатан тенгма-тенг кўпайтириш режаларини белгилаб олдик.

Юқорида айтиб ўтилганидек, чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга ёрдам берадиган барча резервларни тезкорлик билан ишга солмоғимиз керак. Совхозимизда қорамоллар йўқ эди. Ҳозир 350 бош қорамолимиз бор. 80 бош йилқи боқяпмиз. Эндиги вазифа қорамоллар сонини 600 бошдан оширш, йилқилар сонини 200 бошга етказишдан иборат. Бу билан сут, гўшт, қимиз тайёрлашни янада кўпайтириш имкониятига эга бўламиз. Айни кезда парандачиликни сермаҳсул ва сердаромад тармоққа айлантириш чораларини кўряпмиз.

Белгиланган режаларни амалга ошириш фермалар ва отарлар ходимларидан зўр ғайрат билан меҳнат қилишни талаб этади. Бизда бутун умри, онгли ҳаётини чорвачиликка бахш этиб келаётган кишилар кўп, уларнинг сафи тобора кенгайяпти. Бўлим бошқарувчиларидан Яхшилиқ Туймабоев, Момиқдин Адиев, бош чўпонлардан Қалимбет Сарсенбеков, Ташим Таменов, Тўйим Сеитқосимов, Тостемир Таттибоевлар шулар жумласидандир. Бир сўз билан айтганда, 600 бош чўпоннинг ҳаммаси қолоқларсиз ишлаш ташаббуси билан майдонга чиқадилар.

Совхозимиз коллективи чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш билан Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшадилар.

А. БАКИРОВ,
Калинин районидаги Охунбобоев номли совхоз директори.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

Қардош мамлакатларнинг манфаатлари йўлида

БУДАПЕШТ, 10 июнь. (ТАСС). Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг ўзаро ва кўп томонлама ҳамкорлиги, ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ, фан-техника соҳаларидаги алоқалари кенгайиши шу мамлакатлар мавқеи мустаҳкамланишининг энг муҳим омилидир. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессиясининг ВХР пойтахтида бўлиб ўтган XXXVI мажлиси социалистик иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш йўлини яна бир тасдиқлади. Бу мажлис кенгашга аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳукумат бошлиқлари иштирокида ўтказилди.

Ҳамкорликни ривожлантириш якунлари ва истиқболлари ҳамиша бўлганидек ишчанлик, ўртоқлик ва амалий вазиятда муҳокама қилинди, муҳокама якдиллик ва тўла ҳамжиҳатлик руҳида ўтди.

Бугунги якунловчи мажлисда БХР, ВХР, ВСР, ГДР, Куба, МХР, ПХР, РСР, СССР, ЧССР, шунингдек ЮСФР делегацияларининг бошлиқлари сессиянинг XXXVI мажлиси протоколини имзоладилар.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг халқ хўжалигида микропроцессор техникасини ривожлантириш ва уидан кенг фойдаланиш соҳасидаги кўп томонлама ҳамкорлик тўғрисида бош битимни имзолаш маросими бўлди. Саноат роботларини яратиш ҳамда уларни ихтисослаштирилган ва кооперациялаштирилган тарзда ишлаб чиқаришни ташкил этиш соҳасида кўп томонлама ҳамкорлик тўғрисидаги бош битим ҳам имзоланди. Бу ҳужжатларда машиналар автомат комплексларини, бошқарув системаларини, приборларни тадқиқотчилик ва конструкторлик муассасаларида биргаликда ишлаб чиқиш, уларни ихтисослаштирилган тарзда ишлаб чиқаришни ташкил этиш кўзда тутилган. Бутун техника энг янги электроника воситалари билан таъминланиши керак.

Қардош мамлакатлар коммунистик ва ишчи партияларининг халқлар фаровонлигини ўстиришнинг муҳим шарти бўлмиш ишлаб чиқаришни интенсивлаш йўлини амалга оширишга 1986—1990 йилларга мўлжалланган халқ хўжалик планларини мувофиқлаштириш программаси ёрдам беради. Сессия шу программани кўриб чиқиб маъқуллади. Мажлис қатнашчилари мувофиқлаштириш ишлари аввало ўзаро боғланган тармоқларни ривожлантиришда кенгаш мамлакатларининг иқтисодий ва илмий-техникавий сиёсатини келишиб олиш йўли билан ўтказилиши лозимлигига асосланадилар. Халқаро социалистик меҳнат тақсимотида Вьетнам, Куба, Монголия сингари мамлакатларнинг иштирокини кенгайтириш кўзда тутилди. Бу нарса уларнинг экономикаларини ривожлантиришни тезлаштириш ва самарадорлигини ошириш заруратига мос бўлиб тушади.

Сессиянинг иши чоғида атом электростанцияларни учун машина-ускуналар ишлаб чиқаришни кўп томонлама халқаро ихтисослаштириш ва кооперациялаш ва шу машина-ускуналарни ўзаро етказиб бериш тўғрисидаги битим қандай бажарилаётганлиги кўриб чиқилди. Ҳамкорликнинг жаҳон практикасида мисли кўрилмаган биргаликдаги ишларининг бу программаси қардош мамлакатларнинг электр энергияга бўлган эҳтиёжларини қондиришни тубдан яхшилайди. Бу битимни рўёбга чиқариш учун катта иш қилинди. Сессия атом энергетикасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, атом электр станциялари учун машина-ускуналар ишлаб чиқаришни яхшилаш ва кооперациялаштириш юзасидан тавсиялар қабул қилди.

Мажлисда рангли телевидение соҳасидаги кўп томонлама ҳамкорлик программаси маъқулланди. Программада аҳолининг рўзғор техникаси замонавий турларига ўсиб бораётган эҳтиёжлари эътиборга олинган.

Ахборот қабул этилди, у матбуотда босилади.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессиясининг навбатдаги XXXVII мажлиси 1983 йилда Берлинда ўтказилади, деб қарор қилинди.

ВХР Министрлар Советининг Раиси Д. Лазар якунловчи нутқ сўзлади. Қардошларча ҳамкорликнинг туб масалалари хусусида батафсил самарали фикрлашув, деб таъкидлади у, социалистик иқтисодий интеграцияни янада чуқурлаштириш ва кенгайтиришга хизмат қилади.

ГДР Министрлар Советининг Раиси В. Штоф жавоб нутқи сўзлади.

Шу билан Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессиясининг XXXVI мажлиси ўз ишини тамомлади.

ЖКСФнинг қатъий норозилиги

ПРАГА. Жаҳон Касаба Союзлари Федерациясининг Бош секретари И. Закария ТАСС мухбирига қуйидагиларни айтди. Исроил давлати — Яқин Шарқдаги плацдарм бўлиб, у Америка Қўшма Штатлари ва унинг империалистик иттифоқчиларининг гегемончилик мақсадларини амалга оширишда уларга хизмат қилмоқда. Тель-Авивнинг суверен давлат — Ливанга қарши қилган янги вахшиёна агрессияси ана шундан далолат берди.

Исроил ҳарбий машинаси Ок уйда, Пентагон кабинетларида ишга туширилмоқда.

Қуролли ҳужумдан кузатилган мақсаднинг ўзи ҳеч шубҳа қолдирмайди — Вашингтон Исроил агрессорининг қўли билан Фаластин қаршилик ҳаракатини қонга ботиришга, Ливанни парчалаб ташлашга, араб давлатларининг империализмга қарши фронтини заифлаштиришга уринмоқда.

Жаҳон Касаба Союзлари Федерацияси Тель-Авивнинг бу жиноий хуружини қатъий қоралайди ва суверен давлатга қилинган бандитларча ҳужум дарҳол тўхтатилишини талаб этади, деб таъкидлади И. Закария.

Агрессия кескин қораланди

РИМ. Бу ерда олинаётган хабарларга кўра, Исроил Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари М. Вильнер Ливанга қилинган агрессияни кескин қоралади. Бегин ҳукумати Ливанга қарши бошлаган кенг кўламдаги агрессия, деди кнессет (парламент)да, Исроилнинг чинакам манфаатларига батамом зид бўлиб, Исроилнинг келажаги учун олдиндан айтиб бўлмайдиган хатарли оқибатлар келтириб чиқариши мумкин. Аслида бу босқинчилик, мустамлакачилик уруши бўлиб, ундан кузатилган мақсад Фаластин халқини қириб ташлашдан иборатдир.

Ўлдирилган фалостинликлар сони кўпая борган сари Исроилнинг хавфсизлиги мустаҳкамланади деган доктрина жиноий доктрина бўлиб, одамхўрлик билан баравардир, деди М. Вильнер. Халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан қараганда, Исроилнинг Ливандаги ҳарбий ҳаракатлари ҳарбий жиноят деб ҳисобланади. М. Вильнер ҳозирги агрессиянинг ҳақиқий сабабларини уқтириб, бу агрессия «буюк Исроил»ни вужудга келтиришдан иборат машъум режани амалга ошириш мақсадида бошланганлигини қайд этди.

ҚУРОЛЛАНИШ ПОЙГАСИ ЖИЛОВЛАНСИН

НЬЮ-ЙОРК, 10 июнь (ТАСС). БМТ Бош Ассамблеясининг қуролсизланишга бағишланган иккинчи махсус сессиясида умумий мунозара давом этмоқда. Сессияда ядровий қуролланиш пойгасини жиловлаш ишида яққол сезиладиган конкрет силжишлар бўлишига ва шу мақсадда теппа-тенг хавфсизлик принципига риоя қилиш асосида амалий аҳдномаларга эришиш зарурлиги таъкидланмоқда.

Тенгликни сақлаш қуролсизланиш соҳасидаги силжиш учун энг асосий омилдир, деди Мексика ташқи ишлар министри Х. Кастаньеда де Ла Роса. У аввал қуроллаиб олиш, сўнгра эса қуролсизланиш тўғрисида музокаралар бошлаш керак, деб даъво қилаётган кимсаларнинг важлари мутлақо номақбул эканини таъкидлади.

Ҳарбий-стратегик устунликка эришиш йўлига кириб олган Америка маъмурияти айни шундай деб даъво қилаётганлиги маълум.

Сўнгра министр қуроллаиш пойгасида бир томоннинг олдинга ўтиб олиши гўё унга кўпроқ хавфсизликни таъминлаб беради, деган умидлар асоссиз эканини уқтирди. Бора-бора мувозанат қайта тикланиб олинишини, аммо бунда қуроллаиишнинг анча юқори погонасига чиқиб кетилишини тарих тажрибаси кўрсатиб турибди, деди у.

Сессия давом этаётган бир пайтда ялпи тинчликни таҳлика остида қолдирадиган ҳарбий можаролар кенгайиб бораётганини мунозара қатнашчилари ташвишланиб қайд этмоқдалар.

Сессияда Америка маъмурияти шаънига кескин таңқид сўзлари янграмоқда, бу маъмуриятнинг милитаристик сиёсати дунёнинг турли районларидаги можаролар оловини баттар аланга олдираётганлиги кўрсатиб ўтилмоқда.

Япония бош министри Д. Судзуки ядровий ва оддий қуролларни чеклашга доир кўпдан-кўп даъватлар айтди. Бироқ, у Вашингтоннинг қутқуси билан Япониянинг ўзи қуроллаииш пойгасига тобора муккасидан кетаётганлиги факти хусусида ломим демади. Япония ҳукуматининг бошлиғи Пентагоннинг АҚШдаги қурол-яроғларни ҳаддан ташқари кўпайтириш режаларидан, Рейган маъмурияти урушга тайёргарликни тўхтатиш юзасидан жиддий музокаралар ўтказишдан, ўжарлик билан бош тортаётганидан ўзини мутлақо хабарсиздек кўрсатиб, қуролсизланиш ишида боши берк кўчага кириб қолинганлиги учун айбни Совет Иттифоқига тўнкашга уринди.

Халқаро жамоатчиликнинг кенг доиралари БМТнинг иккинчи махсус сессиясидан реал қуролсизланиш йўлларини қидиришга муҳим ҳисса қўшишини кутмоқда. Шу кунларда Нью-Йоркда ўтказилаётган конференция ва учрашувларда ўнлаб мамлакатларнинг кўплаб жамоат ташкилотлари қатнашаётганлиги бунинг яққол далилидир. БМТ ноҳукумат ташкилотлари матбуот марказининг маълумотларига қараганда, шу ташкилотларнинг аъзолари қуролсизланиш тадбирларини қўллаб-қувватловчи талабномалар остига 90 миллиондан кўпроқ имзо тўпладилар.

Америка маъмурлари тинчлик учун курашчиларнинг шу олижаноб фаолиятига ҳар хил йўллар билан тўсқинлик қилишга ҳамон уринмоқдалар. Урушга қарши ҳаракатнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таклиф этган 300 дан кўпроқ актив қатнашчиси ҳали ҳам Қўшма Штатларга келиш учун рухсатнома олганлари йўқ.

АНГЛИЯ — АРГЕНТИНА МОЖАРОСИ

Аргентина ҳарбий қўмондонлиги Фолкленд (Мальвин) оролларининг бош маъмурий маркази Пуэрто — Архентино (собиқ Порт-Стэнли) районидаги жанглар тўғрисида хабар қилди. Аргентина солдатлари сешанба куни Солидад оролининг (Шарқий Фолкленд) жанубибшарқий қисмидаги Аградабле қўлтиғи районида икки минг кишилик отряд сафларида туширилган инглизларнинг катта бўлинмасини қуршаб олиб, қириб ташладилар.

Америка Эн-би-си телевизион компаниясининг таъкидлашича, Британиянинг десанти туширилиши чоғида «Англия Жанубий Атлантикадаги жанг ҳаракатлари бошланган пайтдан буён ўз аскарларидан энг кўп талафот кўрди».

Аградабле қўлтиғидаги Фицрой яқинида десант тушириш вақтида иштирок этган инглиз мухбирларидан бири: «Аргентиналикларнинг ҳаво ҳужуми шу қадар тўсатдан бўлдики, десантчиларнинг кўпчилиги ҳатто қутқарув нимчаларини кийиб олишга ҳам улгура олмадилар», деб хабар қилади. Бомба тўппа-тўғри бориб тегиши натижасида «Сэр Галахед» десант кемаси ёниб кетди. Бу кемада 340 нафардан 540 нафаргача ҳарбий хизматчи ва экипаж аъзоларидан салкам 70 киши, шунингдек ҳарбий аслаҳа-анжомлар, ўқ-дорилар ва ёнилғи бор эди. Ўқ-дорилар портлай бошлади, кема атрофида тўкилган ёнилғи аланга олиб кетди, шу сабабли қутқарувчилар кемага яқин кела олмадилар.

Би-би-си телевизион янгиликлар программасининг ҳарбий обзорчиси гарчи «десантга жиддий зарба урилган бўлсада, бу ҳол Британия қўмондонлигининг узоқ муддатли планларига таъсир ўтказиши амри маҳол» деб уқтиради. Шу боисдан «Порт-Стэнлини штурм қилиш муқаррар бўлиб, гап уни қачон бошлашда қолди, холос». (ТАСС, 10 июнь).

АМЕРИКА АРБОБИНИНГ ТАЛАБИ

ВАШИНГТОН. АҚШ давлат секретарининг собиқ ўринбосари Ж. Болл Исроил Ливанга бостириб кирганлигига жавобан унга Америка ёрдамини тўхтатишни талаб қилди. У вакиллар палатаси ташқи ишлар комиссиясининг кичик комиссияларидан бирида сўзга чиқиб, АҚШ йилига 2—3 миллиард долларни ташкил этаётган ана шу ёрдамдан Тель-Авивнинг агрессия мақсадида фойдаланишига йўл қўймаслиги керак, деб таъкидлади. Ж. Боллнинг сўзларига кўра, бу АҚШ манфаатларига зиддир. У айтдики, Вашингтон қўллаб-қувватлаётган Исроилнинг Яқин Шарқдаги агрессив йўли Қўшма Штатлар учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. (ТАСС).

Юбилей шарафига

11 июнь куни Тошкентда СССР Министрлар Совети ҳузуридаги матбуотда давлат сирларини сақлаш бош бошқармаси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда газета ва журналларнинг, информация агентлигининг, нашриётлар, телевидение ва радио редакцияларининг, министрликлар ва идораларнинг вакиллари иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

«Новий мир» журналининг Ўзбекистон ССРдаги кунлари

ҚУЁШ ЎЛКАСИ БУ...

Владимир КАРПОВ,
СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, «Новий мир» журналининг бош редактори, Совет Иттифоқи Қаҳрамони

СССР Ёзувчилар союзининг органи — ойлик адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий «Новий мир» журнали кунлари қуёшли диёримизда давом этаётир. «Новий мир» журнали кунларида Иттифоқимизнинг қатор таниқли адиблари, шоирлари ва танқидчилари иштирок этмоқда, улар республикамиз меҳнаткашлари ҳаёти билан яқиндан танишмоқда. Журналнинг бош редактори таниқли ёзувчи Владимир Карпов мухбиримизга қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди:

— Ўзбекистонда «Новий мир» журнали кунларини ўтказиш редколлегиямиз аъзоларининг кўнгилларидаги орзуси эди. Таниқли совет адиби, журналнинг бош редактори марҳум Сергей Норовчатов ҳам буни хаёл қилган, жаннатмакон бу диёр меҳнаткашлари ҳаёти ҳақида ёзиш истаги борлигини кўп айтган эди. Мана, бир неча кундирки, республикада «Новий мир» журнали кунлари мароқли тарзда ўтмоқда. Мен ўзимни Ўзбекистон фарзанди деб биламан. «Новий мир» журнали кунларида иштирок этаётган москвалик адиблар, шоирлар ҳам ўзбек адабиёти туфайли республика ҳаёти ҳақида атрофлича тасаввурга эгадирлар.

Мамлакатимиз бепоён, унинг турли бурчакларида тенгсиз, улуғвор ишлар қилинмоқда. БАМ қурилиши, Нокоратупроқ ерларнинг ўзлаштирилиши... Булар — аср воқеалари.

Улкан ишларни амалга ошираётган замондошларимиз жасоратини кўрсак, қойил қоламиз, таҳсин айтамиз. Биз — қалам аҳли уларнинг фидокорлигини мадҳ этамиз. Бироқ дунёда матонатнинг, инсон қудратининг шундай тенгсиз намуналари борки, у кишини ҳайратга солади. Кейин узоқ пайт халқнинг ана шу матонати, унга ундовчи омиллар ҳақида ўйлаб юрасан киши. Мен ҳар гал миллиард-миллиард эгатларда миллион-миллион тонналаб «оқ олтин» бунёд этаётган пахтакор меҳнатини кўрганимда шундай ҳолга тушаман. Агар: «пахтакорларимиз жасоратига қойилман!» дея уларнинг ишини баҳолайдиган бўлсам, меҳнатларини камситган бўламан. Ўзбек пахтакорлари амалга ошираётган иш ҳам аср воқеасидир.

Кейинги йилларда республика Ёзувчилар союзи катта адабиётимиз равнақи йўлида ўзига хос, самарали ишлар қилмоқда. «Ёзувчи меҳнати — партия ва халққа!» шиори остида ўтган ва қувончли шодиёнага айланган совет адабиёти кунлари ҳам, «Литературная газета» билан биргаликда ўтказилган «Биз — совет халқимиз» мавзуидаги «Давра столи» атрофидаги суҳбат ҳам адабий ҳаётимизда ёрқин из қолдирди. Кейинчалик СССР Ёзувчилар союзи, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ва «Дружба народов» журнали ҳамкорликда Совет Шарқи шеърияти тажрибалари, муаммолари, истиқболлари ҳақида «Давра столи» атрофида баҳс ўтказди. Унда Москвадан, Ўрта Осиё республикаларидан ва Қозоғистондан келган таниқли адиблар иштирок этишди. Совет Шарқи шеърияти муаммолари, таржима масалалари ҳақидаги уларнинг фикр ва мулоҳазалари барчамизда катта қизиқиш уйғотди. Мана, ҳозир «Новий мир» журнали кунлари қизғин давом этмоқда. Унинг адабиётимизнинг эртанги камолотига, ҳаёт нафаси уфуриб турган сара асарларнинг юзага келишига хизмати бекиёс бўлади. Чунки биз — адиблар ўз қаҳрамонларимиз ҳаёти билан янада чуқур ва атрофлича танишишга ана шундай пайтларда муяссар бўламиз.

Ҳа, тинчлик, халқлар озодлиги ва адолат тантанаси йўлидаги жаҳоншумул курашда юксак гуманизм ва ленинча интернационализм руҳи билан суғорилган кўп миллатли совет адабиётининг ўзига хос авангардлик ўрни бор. Бу адабиётнинг бир ирмоғи бўлган ўзбек совет адабиёти намуналарини Иттифоқ китобхонларига етказишда журналимизнинг ҳиссаси борлигидан биз мамнунмиз. Журналимизнинг янги сонидан ҳам ўзбек адибларининг, шоирларининг қатор асарлари ўрин олган.

Тошкент метрополитенида, Ленин музейида, кейинчалик Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлгач, таниқли совет шоири, СССР Давлат мукофоти лауреати Андрей Вознесенский шундай деди: — Тошкент жаҳоннинг энг гўзал шаҳарларидан биридир!

Шоирнинг бу гапи юрагимда фахр ва ифтихор туйғусини уйғотди. Чунки Тошкент менинг жонажон шаҳрим. Менинг болалигим ва ўсмирлигим, ёшлигим Шарқнинг ана шу ажойиб шаҳрида кечди. Хадрада ўсиб-ундим. Чапаев номидаги ўрта мактабда ўқидим. Бир неча кун бурун Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида бўлганимизда, академик Обид Содиқович Содиқов билан суҳбатлашиб туриб, беихтиёр мен ҳаёт йўлим ҳақида ўйлаб қолдим. Чунки бир вақтлар ҳозир Ўзбекистон Фанлар академияси жойлашган иморат Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети биноси эди. 1944 йил фронтдан Тошкентга қайтдим. Тошкент вокзалида юртдошларим тантанали равишда мени гуллар билан кутиб олишди. Митинг бўлди. Эртаси куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Усмон Юсупов мени қабул қилди. У кишининг топшириғига биноан мен — Совет Иттифоқи Қаҳрамони, старший лейтенант республикамизнинг бир неча колхоз ва совхозларида бўлдим, пахта фронт учун нақадар керак эканлигини, бинобарин, пахтакорлар улуғвор ишни амалга ошираётганликларини айтиб, юртдошларимнинг руҳини кўтардим. Ўшанда бир колхозда бўлганимда юз берган қизиқ воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Колхозга борганимизда менинг суратим осиғлик турган экан. Сурат тепасига «Ўзбек халқининг ўғлони — Владимир Карпов» деб ёзилган эди. Мен ҳамиша ўзимни ўзбек халқининг фарзанди деб ҳисоблайман. Ўзбек тили иккинчи она тилимдир.

Тошкентнинг бугунги жамоли кишини қувонтиради. Кўҳна ва навқирон шаҳар ўзининг икки минг йиллигига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. В. И. Ленин номидаги Халқлар дўстлиги саройи, «Москва» меҳмонхонаси, Кино уйи... Нақадар замонавий, айни чоғда халқ меъморчилиги анъаналари кўрк бериб турган улкан кошоналар!

КПСС XXVI съездида адабиёт ва санъат масалаларига алоҳида эътибор берилди, бу борадаги ютуқлар таъкидлаб ўтилди. Шубҳасиз, бу адабиёт ва санъат аҳлини ижодий зафарларга даъват этмоқда.

Коммунистик партиямизнинг тарихий анжуманида айтилганидек, ўтган давр ичида совет адабиёти катта ютуқларга эришди, «замондошларимизнинг ёрқин образлари» яратилган шундай салмоқли асарлар юзага келдики, ўртоқ Л. И. Брежнев айтганидек, «бу образлар одамларни ҳаяжонлантирмоқда, баҳсларга сабаб бўлмоқда, ҳозир ва келажак ҳақида ўйлаб кўришга ундамоқда». Ана шу асарларнинг жуда кўпчилиги «Новий мир» журнали орқали миллион-миллион ўқувчиларга етиб боради.

Ёзувчи қаерда яшамасин — улкан шаҳардами ёки кичкина қишлоқдами, у нима ҳақда ёзмасин — ўтмиш ҳақидами ёки келажак ҳақидами, бундан қатъи назар у яратган асарда давр масалалари кўтарилиши, ҳаёт нафаси сезилиб туриши даркор. Замонавий ёзувчи бугунги куннинг энг кескин ҳаётий масалаларидан, давр аҳамиятига эга масалалардан ўзини четга олиб туриши мумкин эмас. Мана шу масалалар ўз ифодасини топган асаргина ўқувчининг қалбидан жой олади. Уни ҳаяжонлантиради. Ўзбекистон таассуротлари қатор адибларимизнинг ана шундай асарлар яратишларига омил бўлса, ажаб эмас. Чунки бу жаннатмакон ўлкада улуғвор ишлар амалга оширилмоқда. СССР ташкил этилганлигининг қутлуғ 60 йиллик тўйига муносиб армуғонлар тайёрланмоқда. Бу бизни қувонтиради.

АХБОРОТ

НАВОИЙ

ТИНЧЛИК ФОНДИГА

Собиқ ишчи М. Огненко биринчи бор олган қарилик нафақасини Тинчлик фондига ўтказди.

Бундай саховатли кишилар Навоий шаҳридаги 4-қурилиш-монтаж бошқармаси коллективида кўп. Улар яқинда ажойиб ташаббус кўтариб чиқишди. Бошқарма ишчилари шанбалик ўтказиб, ундан тушган маблағни Тинчлик фондига ўтказишди.

КЕКСА ЧЎПОН

Навбаҳор районидаги Свердлов номли колхознинг бош чўпони Эргаш бобо Тўраев 84 ёшда, у отаридаги 670 бош қўйнинг ҳар юз бошидан 120 тадан қўзи олди.

Эргаш бобо Тўраев чўпонлик таёғини қўлига тутганига ярим асрдан ошди. Кекса чўпон юбилей йилида давлатга кўплаб олий нав қоракўл тери топширди. Эрта-индин эса чўпон отарида жун қирқими ҳам муваффақиятли тугалланади. Бобо чўпонга кенжа ўғли Раҳмон Тўраев, набираси — Макаренко номли 8-ўрта мактабнинг ўқувчиси Муқимжон Эргашев ҳам катта ёрдам бермоқда.

КАСБИМ — ФАХРИМ

Навоий районидаги Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли ўрта мактабда битирувчи синф ўқувчиларининг касб танлашга бағишланган «Касбим — фахрим» кечаси ўтказилди.

Кечани район партия комитетининг биринчи секретари Х. Зайниев очди. Кечада донгдор пахтакорлар, илғор маккажўхорикорлар, қурувчилар, Тошкент политехника институтининг Навоий шаҳридаги филиали ўқитувчилари иштирок этишди. Улар сўзга чиқишиб, ҳар бир касбнинг ҳаётимиздаги, уни гуллатиб-яшнатишдаги роли ва аҳамияти ҳақида мароқ билан гапиришди.

ЗАЛВОРЛИ ОДИМЛАР

Навоий электрохимия заводининг иккинчи навбати ишга тушганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Мевали, резавор, сабзавот ва цитрус экинларини нобуд қилувчи зараркунандаларга қарши восита — акрекс ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилди.

Завод мамлакатда биринчи бўлиб ана шу химикатни ишлаб чиқара бошлади. Ҳар йили қишлоқ хўжалик ходимларига 4000 тонна акрекс етказиб берилади. Яқин кунлар ичида «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг иккинчи навбати ишга туширилади. Шаҳардаги нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш комбинатида янги тегирмон иш бошлайди. Бу тегирмон бир кечаю кундузда 300 тонна маҳсулотни ишлаб чиқаради.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Савдо хизмати бюроси— фойдали, ишончли, қулай

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ЭНГ КАТТА БОЗОРЛАРДАН БИРИ — ОЛОЙ БОЗОРИДА САВДО ХИЗМАТИ БЮРОСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Бу колхозчилар, совхоз ишчилари, боғ участкаларининг эгалаларига ортиқча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини реализация қилишда ёрдам бериш учун мўлжалланган республикамизда биринчи ва ҳозирча ягона бюродир.

Савдо хизмати бюросининг ходимлари сабзавот ва меваларни бозорга етказиб бериш учун транспорт билан таъминлайдилар, зарурат бўлса, товарни бевосита жойларда —колхоз ва совхозларда қабул қиладилар. Уларни аҳолига чакана равишда сотиш билан боғлиқ бўлган ташвишларни ўз зиммаларига оладилар.

БЮРО ҲУЗУРИДА АЙИРБОШЛАШ САВДО МАГАЗИНИ ҲАМ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН.

Бу ердан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини топширганлар эҳтиёж катта бўлган саноат молларини (газламалар, кўрпа-ёстиқ жилдларини, идиш-товоқларни, чарм-галантерея буюмларини) сотиб олишлари мумкин. Товарлар топширилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қийматининг 50 проценти миқдорида сотилади. Савдо хизмати бюросининг қабул нархлари бозор нархларининг 80—85 процентини ташкил этади.

Батафсил ахборот ва бюро иши тўғрисидаги справкаларни 33-11-59, 33-24-14 телефонлари орқали олиш мумкин.

Ҳурматли колхозчилар, совхоз ишчилари, боғ участкаларининг эгалари!

САВДО ХИЗМАТИ БЮРОСИНИНГ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГИЗ.

ОЛОЙ КОЛХОЗ БОЗОРИ ДИРЕКЦИЯСИ.
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ

РЕДАКЦИЯМИЗ МЕҲМОНИ

САФАРБАР САНЪАТ

Ўзбекистон театр муассасалари ва концерт ташкилотлари ҳам СССРнинг қутлуғ 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун изланмоқдалар. Театрлар репертуарида пайдо бўлаётган янги спектакллар ҳозирги даврнинг муҳим мавзулари, проблемаларини таҳлил қиляпти. Вокал ва хореография жанрларида яратилаётган асарларнинг энг яхшиларини замондошларимиз меҳнатига ва фидойилигига ўзига хос мадҳия деса бўлади. Театр ва драматурглар ҳамкорлигида саҳналаштирилган бир қатор инсценировкалар, жумладан, Леонид Ильич Брежнев асари асосида Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек давлат академик драма театрида саҳналаштирилган «Қўриқ» асари томошабинлар учун қувончли янгилик бўлди.

СССР 60 йиллигига бағишлаб санъат мухлисларига ҳавола этиладиган саҳна асарлари орасида бир вақтлари республика театрларида муваффақиятли ўйналган, энди эса тикланиб саҳналаштириладиган пьесалар бор. Бу йил биринчи марта «Тошкентнинг олтин кузи» Бутуниттифоқ фестивали ўтади. Яна бир қувончли воқеа А. Навоий номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли ўзбек давлат академик Катта опера ва балет театрининг жаҳон опера театрларининг Германия Демократик республикасида ўтадиган Халқаро фестивалида қатнашувидир.

Куни кеча редакциямизга ташриф буюрган Ўзбекистон ССР маданият министрининг биринчи ўринбосари Ў. Р. Умарбеков ана шулар ҳақида, умуман, республика театрларининг, концерт ташкилотларининг бугунги фаолияти, келажак режалари тўғрисида батафсил гапириб берди, журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

ТОШКЕНТ «НИИСТРОМПРОЕКТ» ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲА ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

катта илмий ходимлар: девор керамикаси лабораториясига — ноорганик химия (2 ўрин), силикат ва металдан бошқа қийин эрийдиган материаллар (4 ўрин) ихтисосликлари бўйича; бетон секторига — силикат ва металдан бошқа қийин эрийдиган материаллар технологияси, қурилиш конструкциялари, қурилиш материаллари ва буюмлари ихтисосликлари бўйича; гидратация ва нтс-цементнинг қотиши лабораториясига — силикат ва металдан бошқа қийин эрийдиган материаллар технологияси, қурилиш материаллари ва буюмлари (2), физикавий химия ихтисосликлари бўйича; регенерация секторига — химиявий химия, шу жумладан ёниш ва портлаш физикаси, химиявий технология жараёнлари ва аппаратлари ихтисосликлари бўйича; паст ҳароратда клинкер ҳосил қилиш жараёнлари лабораториясига — силикат ва металдан бошқа қийин эрийдиган материаллар (2) ихтисослиги бўйича; химиявий иссиқлик динамикаси секторига — силикат ва металдан бошқа қийин эрийдиган материаллар ихтисослиги бўйича (2), ўрин: ёпишқоқ ва автоклав материаллар лабораториясига — силикат ва металдан бошқа қийин эрийдиган материаллар ихтисослиги бўйича; физик-химия ва аналитик физика тадқиқотлари лабораториясига — оптика, ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси ихтисосликлари бўйича; паст температурада пишириш лабораториясига — силикат ва металдан бошқа қийин эрийдиган материаллар ихтисослиги бўйича; иссиқлик техникасининг назарий асослари (техникавий иссиқлик динамикаси ҳамда иссиқлик ва масса алмашуви билан бирга) ихтисослиги бўйича;

кичик илмий ходимлар: гидратация ва нтс-цементнинг қотиши лабораториясига — силикат ва металдан бошқа қийин эрийдиган материаллар ихтисослиги бўйича (2).

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳри, ГСП, Пушкин кўчаси, 66-уй.

ВАСХНИЛ ЎРТА ОСИЁ БЎЛИМИ ЎРТА ОСИЁ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКОНОМИКАСИНИНГ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
қуйидаги бўлимлар, секторлар бўйича ушбу вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

раҳбарлар ва катта илмий ходимлар: техника тараққиётининг самарадорлиги, чет эл тажрибаси ва илмий-техника ахборотини ўрганиш, жойлаштириш, ихтисослаштириш, ва перспектив планлаштириш, қайта ишлаш саноати корхоналарига жойлаштириш, пахтачиликда агросаноат интеграцияси, техникадан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги, қайта ишлаб чиқариш ва таннархни муқим сақлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига таннарх қўйиш, агросаноат комплексида тармоқлараро алоқалар, АПК системасида бошқарув, агрохимия хизматини ташкил этиш, рентабеллик нормативлари, капитал маблағ ажратиш ва асосий фондлар нормативлари, ўсимликшуносликда агросаноат интеграцияси, пировард маҳсулот учун рағбатлантириш, қишлоқ хўжалигини бошқариш системаси, қишлоқ хўжалигида техника хизмати кўрсатиш, капитал маблағлар самарадорлиги, системали анализ.

КОНКУРС МУДДАТИ — 29 ИЮНГАЧА.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳар, 97-алоқа бўлими, Халқлар дўстлиги проспекти, 28-уй.

СПОРТ

ШАШКА

ҚИЗҒИН БАҲСЛАР

Тошкентда рус шашкаси бўйича Ўзбекистон чемпионати давом этмоқда. 14 кучли шашкачи орасида ўтган йилги чемпионат совриндорлари ҳамда 9 спорт мастери бор. Мусобақа мобайнида шу йил август ойида Фрунзеда ўтказиладиган Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикалари чемпионатига номзодлар сараланади.

Б. КАНИШЧИКЕР,
спорт мастери.

СОВРИНЛАР ВА ЎРИНЛАР

✦ КУРАШ. Испаниянинг Бильбао шаҳрида самбо бўйича ўтказилган жаҳон кубоги учун беллашувда совет полвонлари зафар қучдилар. Шахсий ҳисобда ғалаба қозонганлар орасида тошкентлик Бобомурод Файзиев ҳам бор.

✦ ФУТБОЛ. Иккинчи лиганинг Ўзбекистон зонасида ўтказилган 17-тур ўйинларидан кейин Самарқанд динамочилари 27 очко билан ягона пешқадамлик қилишмоқда. Биринчи лига вакили Жиззахнинг «Звезда» коллективи сафарда «Факел» билан учрашиб (1:2), имкониятни бой берди.

✦ ҚАЙИҚ ҲАЙДАШ. Москвада СССР чемпионати бошланди. Биринчи кун баҳсларида 1000 метрга икки кишилик байдаркада эшкак эшган бекободлик Э. Муродасилов ҳамроҳи В. Чакайтис билан маррада иккинчи бўлди.

ОГАҲИЙ НОМИДАГИ ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ДРАМА ВА КОМЕДИЯ ТЕАТРИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Хоразмда Совет ҳокимияти ўрнатилган санадан атиги икки йил ўтгандан сўнг бу ерга ўз труппаси билан ташриф буюрган Ҳамзанинг ташаббуси билан воҳада Давлат театри ташкил топди.

Ҳамзанинг ташаббуси билан театр коллективи концерт программасидан аста-секин драматик асарларга ўтиб, бир неча пьесаларни саҳналаштиради. Булар Ҳамзанинг «Тухматчилар жазоси», «Заҳарли ҳаёт», Маннон Уйғурнинг «Туркистон табиби», Ғулом Зафарийнинг «Эрк болалари» асарларидир.

Хоразм театри учун яна шу нарса характерлики, Ҳамза «Хон зулми ёки Хива инқилоби» драмасини шу театр учун ёзиб беради. Бу асар тезлик билан саҳналаштирилиб, томошабинлар томонидан қизғин кутиб олинади.

Улуғ Ватан уруши йилларида театр халқни жанговар қаҳрамонликка руҳлантириб, ўзининг ватанпарварлик бурчини шараф билан бажарди. Санъат ходимларининг юксак ватанпарварлик ғайрати ўзбек драматурглари асарларини саҳнага қўйишда ўз аксини топди. Халқнинг фронтдаги ва фронт орқасидаги буюк қаҳрамонлигини ривожлантирувчи пьесалар ёзила бошлади. Кўпгина асарлар ўзбек халқининг жасур жангчиларига — Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларига бағишланган эди.

Улуғ Ватан уруши совет халқининг ғалабаси билан тугаллангандан кейин театр саҳнасида жанг майдонида жонбозлик кўрсатган қаҳрамонлар, фронт орқасида туриб ўз фидокорона меҳнати билан ғалабани таъминлашга ёрдам берган марду майдонлар ҳақида ёзилган асарлар кенг ўрин олди.

60 йил мобайнида театр коллективи жаҳон ва рус классикларининг асарларидан тортиб республика, қардош республикалар ва маҳаллий драматургларнинг асарларигача 300 дан ортиқ спектакль саҳналаштириб, халқ эътиборига ҳавола этди. Шекспирнинг «Гамлет»; Шиллернинг «Макр ва муҳаббат», «Қароқчилар», Гоголнинг «Уйланиш», Хуршиднинг Алишер Навоий достонлари асосида ишлаган «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи», «Майсаранинг иши», Яшиннинг «Гулсара», «Икки коммунист», «Номус ва муҳаббат», Узеир Ҳожибековнинг «Аршин мол олон», Ғулом Зафарийнинг «Ҳалима», Умаржон Исмоиловнинг «Рустам», Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий», Собир Абдулланинг «Тоҳир ва Зуҳра», Зиннат Фатхуллиннинг «Ғунчалар», Эгам Раҳимнинг «Маърифат қурбонлари» ва бошқа қатор тарихий, замонавий ватанпарварлик, одоб-ахлоқ мавзуларида ёзилган трагедия, драма, комедия, музикали драма, музикали комедиялар шулар жумласидандир.

Шуниси диққатга сазоворки, театр ижодий коллективи ичидан Шариф Рамазонов, Матниёз Юсупов, Абдушариф Отажонов, Раҳмон Олдаберганов, Комилжон Отаниёзов каби элга машҳур бастакорлар етишиб чиқди.

Кейинги йилларда коллектив ижодий ишларини ривожлантириш учун барча имкониятларга эга бўлди. Театр замонавий типда қурилиб, техника ускуналари билан жиҳозланган, 700 томошабинга мўлжалланган янги бинога кўчиб ўтди.

Театр коллективи СССРда ўтказилган поляк халқлари драматургияси фестивалида поляк драматурги Хаинскийнинг «Даҳшатли тун», болгар халқлари драматургияси фестивалида Йордановнинг «Сирли муҳаббат» драмалари, СССР халқлари театр санъати ва драматургияси фестивалида Юстинас Марцинкявичюснинг «Миндаугас» тарихий фожиаси билан қатнашиб, Бутуниттифоқ жюриси томонидан юксак баҳоланди ва СССР Маданият министрлиги, Бутуниттифоқ маданият ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг биринчи даражали дипломлари, фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

Коллективнинг драматурглар билан ижодий ҳамкорлиги кундан-кунга мустаҳкамланмоқда. Омон Матчоннинг «Тўғон» драмаси ва «Фотима кампирнинг лотереяси» музикали комедияси, Арон Шаламаевнинг «Ибн Сино» тарихий драмаси, Раҳим Бекниёзнинг «Оқибат» драмаси, Раҳим Бекниёз ва Ҳошим Исломовларнинг «Икки ўт ўртасида» музикали комедияси, Айёмийнинг «Мавлоно Огаҳий», «Маузерли қиз», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» музикали драмалари ва бошқа ўнлаб асарлар авторлар билан ҳамкорликда ишланиб, биринчи марта шу театрда саҳна рампасини кўрди.

Театр коллективи бу йил Ф. Мусажонов ва Б. Ихтиёровларнинг «Хизматингизга тайёрмиз» музикали комедиясини, Айёмийнинг «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» музикали драмасини (янги варианта) саҳнага қўйди. Йил охиригача А. Шаламаев билан ижодий ҳамкорликда «Изтироб» номли драма, Айёмий билан ҳамкорликда «Тож ва кон» номли музикали тарихий драмалар ва Ф. Мольернинг «Скафеннинг найранглари» комедиялари саҳналаштирилади.

Яқин кунларда маҳаллий драматурглардан Қурбон Омаров ва Қурбонбой Матризоевнинг СССР 60 йиллигига бағишланган «Қасам ва виждон» драмаси томошабинлар ҳукмига ҳавола қилинади.

Огаҳий номидаги Хоразм область ўзбек давлат музикали драма ва комедия театрининг ижодий коллективи партия ва ҳукуматимизнинг кўрсатмаларига амал қилиб, СССРнинг 60 йиллигини муносиб кутиб оладилар, меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатиш ва уларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишида янги-янги ижодий зафарларга эришадилар.

Г. ЕҚУБОВ,
Халқ депутатлари Хоразм область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
19—20 ИЮНЬ СОАТ 19.30 ДА
ЎЗБЕК МИЛЛИЙ КУРАШИ БЎЙИЧА
Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг
АНЪАНАВИЙ ТУРНИРИ

ҚАТНАШАДИЛАР: машҳур полвонлар Рустам **ТОЖИЕВ** (Фарғона), Абдукарим **БУРХОНОВ** (Гулистон), Эркин **ТУРСУНОВ, Комил ИБРОҲИМОВ,** Камолитдин **НУРИТДИНОВ,** (Андижон), Аъзам **ШОКИРЖОНОВ,** Акмал **АЗИМОВ,** Султон **ОМОНОВ** (Тошкент), Жума **УМАРОВ** (Ленинобод), Шукрулло **ЕРИЕВ** (Конибодом), Али **ПОЛВОН** (Исфара) ва бошқалар.

Олмаота, Душанба, Ашхобод, Фрунзе, Чимкент шаҳарларининг полвонлари ҳам беллашадилар.

КАССА СОАТ 10 ДАН ОЧИҚ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.50 — АБВГДейка. 10.20 — Ота-оналар, Сизлар учун. 10.50 — Спортлото. 11.00 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 11.30 — Молдавиянинг декоратив-амалий санъати. 12.00 — Кинопрограмма. 12.15 — Концерт. 12.45 — Телеочерк. 13.00 — Поэзия. 14.30 — Ҳужжатли фильм. 15.00 — Янгиликлар. 15.15 — Сайёр шаббада. Бадиий фильм. 16.35 — Ҳайвонот оламида. 17.35 Ҳужжатли фильм. 18.15 — Халқаро мавзуда суҳбат. 18.35 — Ҳужжатли фильм. 19.40 — Мультфильмлар. 20.05 — Менинг дўстим Мегрэ. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Голубой огонёк (такрорий). 23.45 — Енгил атлетика бўйича халқаро мусобақа. 00.15 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Агар соғлом бўлай десанг. 9.25 — Икки овоз учун куй. Бадиий фильм. 1-серия. 10.40 — Тонгги почта. 11.10 — Қувноқ стартлар. 11.55 — Ғолиблар. 13.25 — Мультфильм. 14.10 — Театр ва замон. 15.40 — Шоир билан учрашув. 15.55 — Шарманкачи ва муза. Балет. 16.15 — Телеочерк. 16.20 — Қадрдон рус қўшиғи. 16.55 — Ҳужжатли фильм. 17.30 — Музикали киоск. 18.00 — Ёшлар кечаси. 19.30 — Халқаро обзор. 19.45 — Здоровье. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Ҳужжатли фильм. 21.00 — Биргаликда аҳил оиламиз. 21.30 — Время. 22.05 — Салом, бу мен. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Светофор. 10.50 — Диққат, тошбақа. Бадиий фильм. 12.10 — Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида. 12.30 — Спорт программаси. 13.30 — Ҳаёт каби тирик. 14.00 — Коммунистлар ҳақида ҳикоялар. 14.10 — Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун. 18.05 — Мультфильмлар. 18.30 — Юлдузча. 19.00 — Ота-оналар университети. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Оламга саёҳат. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Тошкент технологияси. 22.20 — Эртага премьера.

Тожикистон телевидениесининг программаси

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Бир жуфт қўшиқ. 9.30 — Ешлик. 10.15 — Гулшан радиожурнали. 11.30 — Куйлардан қўшиқларга. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — Хатларингизни ўқиб... 14.00 — Табаррик замин. 16.20 — Радиотингловчиларнинг талабларига биноан концерт. 17.00 — Қалб хотираси. 18.15 — Сиёсий билимлар радиоуниверситети. 18.30 — Халқ куйлари. 19.25 — Ешлик. 20.50 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Радиопостановкалардан қўшиқлар. 24.00 — Хайрли тун.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари—33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-35-53, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР —2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-70-78; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 06311. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. — 137. 8